Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 25 ноябрь, пайшанба • № 139-140 (25.535).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2000 йил 9 январь — Президент сайловлари куни. Аввал хабар берганимиздек, Фидокорлар, «Адолат», «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сессияларида бўлажак сайловларда Президентликка Ислом Каримов номзоди кўрсатилган эди. Марказий сайлов комиссиясидан олинган хабарларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бўлажак сайловларда Фидокорлар миллий-демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга ўз розилигини билдирган. Шунингдек, Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига ўз номзодини Президентликка кўрсатганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор этган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз қурултойида мазкур партия биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрсатган эди. Абдулҳафиз Жалолов бўлажак сайловларда Халқ демократик партияси номзоди сифатида иштирок этишга розилик берган.

24 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси қ а р о р қ и л а д и:

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ***Н.КОМИЛОВ***

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи котиби, Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А.М.Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзоди овозга қўйилишига розилик аризасига кўра «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси қ а р о р қ и л а д и:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ***Н.КОМИЛОВ***

Тошкент, 1999 йил 24 ноябрь

Шунингдек, мажлисда кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи айрим округ сайлов комиссиялари таркибларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан Тошкент шаҳридаги 20-Шайхонтоҳур ва Наманган вилоятидаги 85-Тўрақўрғон округ сайлов комиссиялари раисларининг ҳисоботлари ҳам тингланди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига сайловолди ташвиқотини янада уюшқоқлик билан ўтказиш, номзодлар билан учрашувларнинг адолатли, тенг ва демократик тамойиллар асосида ўтказилиши учун шарт-шароит яратиш, сайлов участкалари фаолиятини янада жонлантириш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловларига тайёргарлик кўриш юзасидан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ахбороти тингланди.

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнларини жойларда қабул қилиб олишни уюштириш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, «Адолат» ва «Ватан тараққиёти» партиялари қурултойлари қатнашчиларига

Ҳурматли ватандошлар!

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида, сиёсий партиялар қурултойларида менинг номзодим бўлажак сайловларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилгани учун чин юракдан самимий миннатдорлигимни билдираман.

Сизларнинг бу юксак ишончингиз менга куч-ғайрат бағишлаши билан биргаликда зиммамга катта масъулият юклашини ҳам чуқур ҳис этаман.

Бундан буён ҳам бағри кенг ва танти халқимизнинг менга боғлаётган орзу умидларини рўёбга чиқариш, тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, озод Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини изчил давом эттириб, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш йўлида ўзимнинг меҳнатим, билим ва тажрибамни аямайман.

Озод ва обод Ватан барпо этишдек эзгу, муқаддас ниятга эришиш йўлида қилаётган бунёдкорлик ишларингизда барчангизга зафарлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Корхонага халқаро мукофот

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги, Ўрта Осиёда ягона «Пахта» нефть маҳсулотлари корхонасига хушхабар келди. «Тошнефтмаҳсулот» бирлашмасига қарашли бу корхона маҳсулотининг юксак сифати халқаро андозаларга мос деб эътироф этилди. Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро конвенцияда маҳсулот юқори баҳоланиб, корхонани «Сифатучун Халқаро Платина юлдузи» билан мукофотлашга қарор қилинди. Мукофотни топшириш маросими Испания пойтахтида бўлиб ўтди.

— Корхонамиз бир кеча-кундузда 400 тонна бензин, 200 тонна миқдорида дизель ёнилғиси ҳамда турли хил мойларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда, — дейди «Пахта» нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари Борихон Эшонхўжаев. — Қишлоқ хўжалигида унумли меҳнат қилаётган «Кейс», «Магнум» сингари самарали техникаларга ҳам зарур мойлар корхонамиз томонидан етказиб берилмоқда. Халқаро мукофот 253 кишилик меҳнат жамоамизга бўлган ишонч, улар меҳнатига берилган катта баҳо деб биламан.

Гавҳар САЛИМОВА

Дизайнчилар семинари

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида «Ўзбекистонда дизайнерлар тайёрлаш муаммолари» мавзуида илмий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Анжуман бошланишидан аввал ёш дизайнерларнинг курс ва диплом ишлари кўргазмаси намойиш этилди. Унда вилоятлардан келган лицейлар директорлари ҳам қатнашишди. Дизайнерлар уюшмаси 1989 йилда ташкил этилган бўлса-да, бундай семинар биринчи маротаба ташкил қилинди. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинар сўнгида, қарор қабул қилинди, таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниши таъкидлаб ўтилди. Йиғинда бир қатор олимлар ўз фикрларини билдиришди.

Азамат ТЎРАЕВ

Ўзбек санъати ривожи

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида ўзбек санъатининг отахонлари бўлмиш халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев, Николай Шин ва Баҳодир Жалоловларнинг шахсий кўргазмалари бўлмоқда. Академия президенти Турсунали Қўзиев кўргазмани очар экан, мусаввирларнинг санъат ривожига қўшган ҳиссалари, ижодий ютуқлари ва ўзига хос жиҳатлари устида тўхталди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоев, академик Рўзи Чориев ва Раҳим Аҳмедовлар маъруза қилдилар. Маросимда халқ суйган мусаввирлар, олимлар, олий ўқув юрти талабалари билан бир қаторда Тошкентда фаолият юритаётган хорижий элчихоналар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Бу ўзбек санъатига қизиқиш ортиб бораётганидан нишонадир.

Шуҳрат ОРИФ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қонун бузилмасин, жавоб берасиз!

Сайлов ва сайловчи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кунига саноқли кунлар қолди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг муҳим жиҳатларидан бири ошкораликдир.

Сайлов комиссиялари ўз ҳудудларидаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларни амалга оширилаётган ишларидан, сайлов комиссияларининг таркиби, улар жойлашган манзил ва ишлаш тартиби билан хабардор этмоқдалар. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари сайловларга тайёргарликнинг бориши ва уни қандай ўтказиш ҳақида халқимизга маълумотлар бериб турибдилар.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар бўлиши «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида ўз аксини топган. Бинобарин, Ўзбекистонда сайловларнинг халқаро андозаларга мос ва демократик руҳда амалга оширилаётганлигини бутун дунё халқлари, шунингдек, Ўзбекистонда мавжуд бўлган хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналари вакиллари томонидан кузатилмоқда.

Мамлакатимизда сайловлар тегишли ҳуқуқий асослар, бошқача қилиб айтганда, қонунлар билан тўлиқ тартибга солинади. Сайлов тартибини бузганлик учун эса жавобгарлик масалалари кўндаланг туради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасига мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ёки ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлари ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов варақаларини сохта ёзувлар билан тўлдириш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш жиноят ҳисобланади. Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш Жиноят кодексининг 147-моддасига асосланган ҳолда, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши назарда тутилган.

Демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ошиб, чинакам танлаш ҳуқуқи асосида сайлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу эса халқаро ҳуқуқий стандартларга ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларнинг оқилона руҳида олиб борилиши мамлакатимизнинг дунё миқёсида обрў-эътибори юксалишига замин яратувчи муҳим кампаниядир.

Олимжон МАРУФЙ,
Республика Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 121-сайлов участкасида 1999 йил 5 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларига ҳамда 2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларга астойдил тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловларда 2730 нафарга яқин сайловчи ўзларига мақбул бўлган номзодлар учун овоз беради.

Суратда: (чапдан) Ислом Юсупов ва Эркин Абдураҳмонов сайловларга тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

Тинчлик учун овоз бераман!

ТИНЧЛИК— сен борсан биз яшаяпмиз.

ТИНЧЛИК— сен борсан жамиятда адолат ҳукм сураяпти.

ТИНЧЛИК— сени бизга раво кўрган Оллоҳга шукр.

Сен бўлмаганингда... Билмадим, кунимиз не кечарди. Лекин сен ҳар жойда ҳам бўлавермайсан. Фаровон турмуш, порлоқ ҳаёт, мунаввар жамият ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бу фақат «Элим деб, юртим деб ёниб...» яшаётган халққа, Ватаним «... келажаги буюк» бўлади, дея эзгулик учун курашган миллатга насиб этади.

Бугунги кунда ана шу тинчлик ҳамроҳ бўлган жамиятимизда, Ватан келажаги, миллат тақдири учун овоз бериладиган сайловлар яқин.

Тинчлик бошимизда нур сочмоқда. Биз уни қадрлаймиз. Уни асраймиз. Сайловларда ҳам муносиб, тинчликсевар, миллатсевар номзодга овоз берайлик. Биргаликда тинчликни асраб, ҳаёт кечирайлик. Озодлик фарзандларининг йўллари ёруғ бўлсин. Биз шунинг учун курашайлик, шунинг учун берайлик овоз. Токи, авлодлар биздан ўксинмасинлар. Шоир тили билан айтаман:

Келажагим ва юртим ҳаққи
ТИНЧЛИК учун овоз бераман.

Аслиддин Суюн
АБДУЛАЗИЗ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йилнинг 21 ноябрида Қамчиқ довонида рўй берган табиий офат оқибатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Довонда қор кўчиши натижасида одамлар қурбон бўлди.

Қамчиқ довонида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, Тошкент-Қўқон автотрассасида йўл ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ҳукумат комиссияси тузилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати марҳумларнинг оила аъзолари, яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

(ЎзА)

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

1999 йил **5** декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеини амалда ошириш, меҳнат ва яшаш шароитларини енгиллаштириш, уларга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга, оиладаги оналик ва уй бекалик, болалар тарбиясидаги муқаддас бурчларини бажариш имконини берувчи, зарур шароитларни яратишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берадилар.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

ҚУЛИЕВ Тоҳир Мамаражапович

139- Термиз сайлов округи

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Инновация» компанияси бош мутахассиси, бўлмиш Т. Қулиев сентябрь ойидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқимоқда. Тоҳир Қулиев Термизда ўрнатилган замонавий 2-5-блик автомат телефон ҳамда уяли телефон станцияларини шартнома асосида келтирди.

«Гўзал» маиший хизмат уйида янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга аҳолига тез ва сифатли, турли хил хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Унинг сайловолди ҳаракат дастуридан жуда кўп эзгу ишлар режаси ўрин олган. У вилоятда саноатни ривожлантириб, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда йирик саноат объектларини бунёд этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабини қондириш учун бел боғлаган ҳар бир инсон ардоқлидир. Манфаатли шартномалар тузиш ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни олиб келишга ҳисса қўшиш унинг асосий мақсадларидан биридир.

АБДУЛЛАЕВ Рахмонкул Мингкабилович

146-Денов сайлов округи

Рахмонкул Абдуллаев «Сурхонозиқовқатсаноат» акциядорлик жамиятига раис бўлганига эндигина бир йил тўлган бўлса-да, шу қисқа даврда ўзининг меҳнатсеварлиги ва ишнинг кўзини билганлиги боис корхона нафақат туман балки вилоятда ҳам энг бақувват ва илғор жамоага айланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида жамият 22685 тонна пахта ёғи, 1333 тонна совун ва 506 тоннадан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бу йилги режалар бундан-да улуғ. Мақсад халқ турмушини янада яхшилаш.

Рахмонкул Абдуллаевнинг ташаббускор ва тадбиркорлиги боис мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрами арафасида теннис корти ишга туширилди. Тарихга, бугун ва келажакка ҳурмат билан қараш авлодлар бурчи. Шу боис Денов шаҳар марказидаги Саид Оталиқ мадрасасини қайта тиклаш ишларида ҳам Рахмонкул Абдуллаев ташаббускорлардан бўлди.

Рахмонкул Мингкабилович маърифатга ошно қалб эгаси. Жамият ривожланишининг бош омили ҳам шунда, деб ўйлайди у. Тартиб-интизом бор жойда иш баракали бўлади. Маърифат эса юксак чўққиларга чорлайди инсонни.

ҚУРБОНОВ Бахтиёр

140-Учқизил сайлов округи

Бахтиёр Қурбонов. 1975 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. Ташкилотчи, ташаббускор йигит ҳозир айни камолот ёшида. У турли хўжаликларда иқтисодчи, ёрдамчи иқтисодчи бўлиб ишлади.

Ҳозир Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигини бошқармоқда. Тадбиркор раҳбарнинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги туфайли пахта тайёрлаш ва бошқа соҳалардаги режалар ортиғи билан бажарилмоқда.

Бахтиёр Қурбоновнинг ғайрати туфайли хўжалик маданий-маиший соҳаларда катта ютуқларга эришди, янги санъат саройи, гузарлар ишга туширилди, йўллар таъмирланди. Раис Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси, халқ депутатлари туман кенгашининг депутати сифатида катта ишларни амалга оширди.

Бахтиёр ака яхши дўст ва меҳрибон оила бошлиғидир.

МУРАТШИНА Лидия Валиевна

144-Олтинсой сайлов округи

Иш фаолиятини 1967 йили Шўрчи туманидаги М. Жалил номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Лидия Валиевна ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан сабот билан келмоқда. У Олтинсой туманидаги 6-ўрта мактаб директори, туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси лавозимларида ишлади. 1995 йилдан то ҳозирги кунга қадар Олтинсой туманидаги 30-ўрта умумтаълим мактабида директор бўлиб ишлаб келмоқда. Қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ўзининг ҳар томонлама етук кадр эканлигини исботлаб, доимо сафдошлари орасида ташаббускордир. Лидия опа ўз севган касбига садоқат билан ёндошиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунни қишлоқ мактаблари ҳаётига сингдириб, таълим-тарбия ишини давр талаби асосида олиб бормоқда. Ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда, у ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, ўқиши, оилавий аҳволи билан яқиндан танишиб, ёрдамга муҳтожларга амалий кўмак бериб келмоқда.

МУХАММАДИЕВ Нормахмат Сабирович

147-Сариосиё сайлов округи

Нормахмат Мухаммадиев уч йилдирки, «Сурхондарё почтаси» давлат акциядорлик жамияти раҳбари сифатида фаолият юритмоқда. Унга қадар мазкур тизимнинг масъулиятли вазифаларини адо этди. Қатъиятлиги, ишбилармонлиги туфайли анча оқсоқ соҳага айланиб улгурган почта-алоқа тизимини оёққа турғизди.

— Мен сиёсий партиялар ичида нуфузи юксак бўлган Халқ демократик партиясининг аъзоси эканлигимдан ҳақли равишда фахрланаман, — дейди у. — Унинг сафи пойдомон, диёнатли, ўз ғояси учун курашувчан иродали одамлар ҳисобига кенгайиши тарафдориман.

Дарҳақиқат, Н. Мухаммадиев ўзи бош бўлган бир минг олтмиш беш кишилик йирик жамоанинг ташаббускор, адолатли раҳбари сифатида ҳам, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг аъзоси сифатида ҳам ибрат олса, ўрганса арзигулик хайрли ишларни амалга ошираяпти. Сўнгги икки-уч йилда «Сурхондарё почтаси» давлат акциядорлик жамиятининг мавқеи анча ошди. Аҳолига кўрсатаётган хизмат турлари кўпайди ва сифати юксалди. Нормахмат ака халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати сифатида ҳам сайловчиларнинг талаб-истаклари, орзу ва умидларидан ҳамиша хабардор.

Нормахмат Сабировичнинг сўнгги йилларда маънавият ва маърифат соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, матбуотга жуда эътиборли ва жонкуяр одам. Шу боисдан ҳам «Сурхондарё почтаси»нинг ўз нашри «Жануб вақти» газетаси қисқа вақт ичида ўқувчиларини топди.

АМАНТУРДИЕВ Нормумин Бекматович

141- Жарқўрғон сайлов округи

Жарқўрғон тумани Норали Боймуродов номидаги ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб меҳнат қиладиган Нормумин Амантурдиев кўпчиликнинг ишончини қозонган инсон. У пешона тери меҳнатлари эвазига элнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. У яшаб турган муҳитини билади, юртнинг тўй-маъракаларида ҳозир. Камтар, ҳақиқатгўй бу инсонни жамоаси жуда ҳурмат қилади. Нормумин Амантурдиев қишлоқ ҳаёти билан танишлиги учун кўп нарсаларнинг ҳадисини олган. Айтмоқчи, ўзи ишлаб келаётган бригадага 1985 йили ҳисобчи бўлиб ишга кирган. У шу вақтлардаёқ қишлоқ хўжалигида умуммеҳнатни қабул қила олмади. Моддий тушум меҳнатга тўғри муносабатдагина ортади. Ерга умум бўлиб ишлашда, ерни ва унинг маҳсулотини умумники деб қабул қилганда меҳнат самарадорлигининг сусайиб кетишини биларди. Ҳақиқатан ҳар ким аввало ўзи ва оиласи учун ишлайди. Нормумин Амантурдиев бу ҳақиқатни яхши билади. Шунинг учун ҳам элнинг аҳволи, руҳияти қандай эканлиги билан қизиқади.

МАМАЖОНОВ Зоир Ғуломович

145-Ҳазорбоғ сайлов округи

Деновдаги «Чоғониён» гезатасининг бош муҳаррири Зоир Мамажоновнинг суянгани ҳам, қуроли ҳам қалам. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ дегандай, у чеккан кўп заҳматлар ортда қолди. Ҳали ҳам курашчанлигини йўқотмаган сўзи тиғли журналистни фақат бошига иш тушган бошқа соҳа ходимларигина эмас, журналист шогирдлари ҳам қора тортиб келаверадилар. Кўпларга дўст, кўпларга устоз бу одамнинг кўп такрорлайдиган гапи бор: «Агар инсон ўз ҳуқуқларини билса, унга амал қилса ва ундан фойдалана олса жамиятда ҳеч қандай қийинчилик кўрмай яшайди. Бунда жамият ҳам гуллаб, яшнайди». Зоир Мамажонов бахтли инсон. Чунки, унинг «Чоғониён»дай кураш майдони бор. Саҳифалари туманда учраб турадиган айрим иллатларга муросасиз курашларга тўлган «Чоғониён» газетаси таҳририятида қизиқ воқеалар ҳам бўлиб туради. Масалан, бош муҳаррир олдига келган бирор фуқаро бирор «дард» билан келади. Ўша фуқарони қийнаган «дард» газета орқали «шифо» топмагунча Зоир Мамажоновнинг тинчлиги йўқолади. Инжиқ журналист то адолатли қарор топтирмагунча «Чоғониён» таҳририятида осойишталик йўқолган бўлади. Югур-югур, чоп-чоп бўлади. Ходимлар бош муҳаррирни жуда ҳурмат қилишади, яхши кўришади. Ўз навбатида бош муҳаррир ҳам уларни ҳамиша қадрлайди.

ШОДИЕВА Бўритош Аминовна

148-Узун сайлов округи

Бўритош Шодиева 1955 йилда туғилган. Ўзбек. Олий маълумотли, Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган. Мутахассислиги иқтисодчи-сиёсатчи.

Меҳнат фаолиятини 1976 йилдан бошлаган. Сурхондарё вилояти ижроия қўмитаси режалаштириш комиссиясида иқтисодчи, катта иқтисодчи, бўлим бошлиғи, комиссия раисининг ўринбосари, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида ишлади.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлангач Олий Мажлис Раисининг ўринбосари бўлиб шу кунгача ишлаб келмоқда.

Б. Шодиева меҳнат фаолияти даврида ўзининг изланувчан, билимдон ва қатъиятли раҳбар эканлигини намоён эта билди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонун ва қарорларнинг ишлаб чиқилишида, уларни такомиллаштиришда, назорат-таҳлил фаолияти ишида фаол қатнашиб келди ва ўзининг салмоқли улушини қўшди.

Айни пайтда Б. Шодиева Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси, республика хотин-қизлар қўмитаси раёсат кенгашининг аъзоси ҳамдир. У иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётдаги самарали меҳнатлари учун 1992 йилда Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги эсдалик медали, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи, 1998 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, 1999 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

ЧУТБАЕВ Урал Таштемирович

143-Шўрчи сайлов округи

1949 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, 1971 йилда Андижон пахтачилик институтини тамомлаган, мутахассислиги — қишлоқ хўжалиги машиналари муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида техника хавфсизлиги муҳандислигидан бошлаган. Сўнг Шўрчи электр тармоқлари корхонасида техника хавфсизлиги муҳандиси, Шўрчи туман «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг муҳандиси, бош муҳандиси, Қумқўрғон туман «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси бошлиғи, аросаноат уюшмаси раиси, туман ижроия қўмитаси раиси, Шўрчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 1999 йил январь ойидан буён Шўрчи туманидаги Т. Бердиев номли жамоа хўжалиги ташқи бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Урал Таштемирович ишчан, ташкилотчи, изланувчан, ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан талабчан раҳбар сифатида ўзини кўрсатди. Унинг раҳбарлигида жамоа хўжалиги аъзолари баракали меҳнат қилиб, айрим соҳаларда маълум ютуқларга эришдилар. 1999 йилда пилла топшириш режаси 110 фоизга бажарилди. Галладан 20 млн. сўм даромад қилинди, шоли ва маккажўхори дони топшириш режалари ортиғи билан адо этилди. У халқ депутатлари Шўрчи тумани Кенгаши депутати ва Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши аъзоси сифатида жамоа ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва хушмуомалалиги билан Шўрчи тумани меҳнаткашлари орасида обрў-эътибор қозонган.

Чутбаев Урал муносиб хизматлари учун «Шуҳрат» ордени, Мустақиллик медали, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

ХАИТОВА Зумрат Холбоевна

149-Сурхон сайлов округи

Зумрат опа ўзини ўйлай олмайди. Пул, молу-дунёнинг қиммати йўқ унга. Аммо вақтни жуда қадрлайди. Умрининг ҳар дақиқасида катта вазифалар бор — аёллик, бекалик, оналик, келинлик бурчи... Ташкилотида етмиш киши ишлайди. «Қумқўрғонсавдо» ҳиссадорлик жамиятида ишлайдиганлар эл ташвиши билан бандлар. Ўша етмиш кишининг ташвиш-қувончлари... Туманда аҳволи танг бўлиб қолган одам борки, опага келади.

Опа ҳаммасига улгуриши, ҳаммасига етиши лозим.

Бинобарин, ўзидан ортиб элнинг мўътабар кўнглидек улуғ манзилларга ета олгандирки, уни «опа» дейишади, унга келишади.

Уни яхши билган, яхши кўрган одамлар унга мурожаат этишади:

— Опа, номзодингизни кўйинг, биз сизга овоз берайлик.

Опа кулиб, уларга тасалли беради:

— Мен депутат бўлмасам ҳам, сизларга хизмат қилавераман...

Зумрат Хаитованинг номзоди бу йил 149-Сурхон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўйилди. Ишончимиз комилки, унга овоз берган сайловчи эрта раво бўлгувчи ҳожатлари учун, турмушига Зумрат опа тимсолида киргувчи хайру барака учун овоз беришади.

УСМАНОВ Нурмухаммад

150-Бинокор сайлов округи

Ангрен шаҳри нафақат вилоят, балки республикамиздаги йирик саноат шаҳарларидан бири. Унинг ҳудудида мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли улуш қўшаётган корхоналар кўп. Юртимизда қазиб олинаётган кўмирнинг каттагина қисми ҳам шу ҳудудга тўғри келади. Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Нурмухаммад Усманов ана шундай корхоналарнинг бирига, яъни «Ангрен кўмиртехтранс» корхонасига раҳбарлик қилади.

Нурмухаммад Усманов дастлаб, Ангрен кўмир ҳавзасида мастер бўлиб иш бошлади. 1996 йилгача шу ерда участка бошлиғидан директор ўринбосарлигигача бўлган вазифаларда ишлади. Кўмир қазиб олиш бўйича катта тажриба тўплади. Ўн беш йиллик меҳнат фаолияти давомида жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидай Нурмухаммад Усманов 1996 йили «Ангрен кўмиртехтранс» корхонасига бош муҳандис бўлиб ишга тайинланди. Ҳозир эса шу корхона раҳбари.

У изланувчан, янгиликка интилувчи раҳбар. Нурмуҳаммад Усмановнинг айтишича, яхши кайфият ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиши, муваффақият гарови бўлиши мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

СИГЕДИН Виталий Николаевич

152-Олмалиқ сайлов округи

Виталий Николаевич раҳбарлик қилаётган Олмалиқ Тоғ-металлургия комбинати биноси шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Комбинатда нафақат рух, мис ишлаб чиқарилади, балки мамлакатимизнинг «белига» қувват бўладиган олтин ёмбилари ҳам шу ерда тайёрланади.

Ўзининг илк меҳнат фаолиятини Учқудуқдаги кон қазувчиси сифатида бошлаган В. Сигедин кон устаси ўринбосари, кон устаси, кон бошлиғи, директор вазифасини бажарувчи, вазифаларида ишлаган. Сўнг Навоий тоғ-металлургия комбинати шимолий маъдан бошқармаси бошлиғи, комбинатга қарашли «Шахтакурилиш» бошқармасида раҳбар, Навоий тоғ-металлургия комбинати Марказий маъдан бошқармаси директори каби лавозимларда фаолият юритди. 1983 йилдан ҳозирга қадар эса Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг бош директори вазифасида ишлаб келаётир.

Комбинат тасарруфидаги «Қолмаққир», «Саричека» конларидаги иш жараёни бугунги кунда Виталий Николаевичнинг бевосита ташаббуси билан анча яхшиланди. Рангли металлар ишлаб чиқариш, экспортга йўналтириш салмоғи ортди. Эмаль симлар тайёрлаш цехи ишга туширилди.

Виталий Николаевич Сигедин мамлакат Президентининг инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилишда, ҳаётга татбиқ этишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

ЭШМАТОВ Усмонкул Норматович

153 - Пискент сайлов округидан

Пискент вилоятнинг бошқа туманларидан ажралиб туради. Одамлари танти, самимий. Табиати ҳам хушҳаво. Усмонкул ака эса ўзининг ҳалол меҳнати билан элга танилган одам.

Бир неча йиллардан бери туман хўжалик ва муассасаларда ишлаб келди. Қаерда ва қандай иш билан машғул бўлмасин кишилар қалбига тез йўл топа олади. Асли касби педагог. Тошкент давлат педагогика институтини тамомлагач, тумандаги 31-мактабда меҳнат фаолиятини бошлаган. Сўнг «Гулистон» жамоа хўжалигида ҳисобчи, бригада бошлиғи вазифаларида ишлади. Ҳозирда шу туманнинг И.Ҳайдаров номли жамоа хўжалигида бригада бошлиғи.

Усмонкул Норматовичнинг олийжаноб фазилатлари борки, булар унинг халқ олдидаги ҳурматини оширди. У қарийб ўн йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Ҳар йили режаларини ортиғи билан уддалайди.

У ҳукуматимизнинг аграр сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Пайчилик асосида одамларга ер бўлиб берилганлигини маъқуллайди. Қанча кўп ҳосил етиштирилса, шунга яраша даромад олинади. Меҳнат самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлайдиган омил ҳам шу, дейди у.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

УРУМБАЕВА Мавлюда Юнусовна

154-Оҳангарон сайлов округи

Оҳангарон туман марказий шифохонаси жамоаси, туман аҳли Мавлюда Урумбаевани ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Юртимиз мустақилликка эришганидан бери, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда унинг жонкуярлиги, фаоллиги ортди. Биринчилардан бўлиб у ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод учун» биринчи даражали мукофотига сазовор бўлган.

Мавлюда опа кўп йиллардан буён шифохонанинг гинекология бўлимига мудирлик қилиб келади. Айни пайтда туманда соғлом она ва соғлом фарзанд ҳаётига доир ташкилий ишларга бош-қош. Кези келганда қишлоқ хонадонларига бориб, оналар ҳолидан хабар олиб туради. Улардан зарур маслаҳати ва ёрдамини аямайди. Оҳангаронликларнинг, қолаверса, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, ёшларнинг таълим ва тарбияси муаммолари унинг сайловолди дастуридан ўрин олган.

АБДУРАХМОНОВ Абдулла Абдусалимович

160-Паркент сайлов округи

Олий маълумотли. Миллати — ўзбек. 1954 йилда «Намданак» қишлоғида туғилган. Ихтисоси — ўрмон хўжалиги муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1977 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, Юқори Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилувчи вазифасидан бошлаган. Хўжаликда 11 йил мобайнида бригадирлик ҳам қилган, ҳосилот, агрохимик, мевачилик бўйича ҳосилот бўлиб ишлаган.

А. Абдурахмонов ЎзХДПнинг туман ташкилоти тузилишида фаол иштирок этиб, туман партия кенгашида иккинчи котиблик вазифасида ҳам фаолият кўрсатган.

1997 йилдан ҳозирга қадар «Намданак» жамоа хўжалигида бош ҳосилот вазифасида ишлаб келмоқда. У меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиши, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги билан бирга, хушфеъл ва камтарин инсон сифатида жамоа ўртасида ҳурмат қозонган.

Турган гапки, бош агрономлик кишидан ташкилотчилик, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш, мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя эта олиш, бошлаган ишини охирига етказишни тақозо этади. А. Абдурахмоновда ана шундай хусусиятлар мужассамдир.

КИМ Вячеслав Михайлович

161-Юқори Чирчиқ сайлов округи

1945 йили Жамубул шаҳрида таваллуд топган. Миллати корейс. Олий маълумотли. Иқтисод фанлари номзоди. Ўзбек, рус, корейс ва япон тилларини билади.

Бу қисқача маълумотдаёқ унинг билими, қолаверса қуваи-ҳофизаси етарли экани аён бўлиб турибди. Вячеслав Михайлович меҳнат фаолиятини ҳарбийликдан бошлаган. 1967 йили ҳарбий қурилиш техникумини бекорга битириб чиқмаганлигини намойиш эта олди. Ҳарбий хизматдан участка бошлиғи лавозимида ишлаш қобилиятига эга ҳолда заҳирага бўшатилди. Тошкентга қайтгач, қурилиш трестларида ўзининг билимдон бинокор, тадбиркор уста эканлигини амалда кўрсатди. У меҳнат қилиш билан чекланмади. 1987 йили Тошкент политехника институтини битириб, иқтисодчи, қурилиш ташкилотчиси мутахассислигини эгаллади. 1990 йили сиртдан аспирантурада ўқиб номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ишбилармон, сермулоҳаза, олисни кўзловчи бу инсоннинг номзодлик дастуридаги қуйидаги сатрлар унинг келажак сари интилувчанлигидан, узоқни кўра билишлигидан далолатдир Жумладан у Олий Мажлис депутати бўлиб қолса дастурига амал қилиб, иқтисодни эркинлаштириш ва уни ҳар қандай мафкуравий сиқувлардан тозалаш тарафдори эканини баён этган. Айниқса, қишлоқ жойларда ободончиликка йўл очиш, саноатлашишга изн бериш ташаббускоридир. У ҳозир «Сармоябанк»нинг Бектемир тумани бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

ТУЛАГАНОВА Мухая Мирза-Алиевна

155-Тўйтепа сайлов округи

Тошкентлик бу қизнинг болалиги ва ўсмирлик чоғлари барча тенгдошлари каби билим ва ҳунар эгаллаш билан ўтди. 1975 йили Тошкент давлат университетини битириб, филолог, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигини эгаллади. Мухая ўқиб билим олгунга қадар меҳнат завқини ҳис этган. Турли ишлаб чиқариш корхоналарида ташкилотчилик, ўз сўзининг устидан чиқиш, одамларни эргаштира билиш каби лаёқатини намойиш эта олди. Хусусан, ёшлар билан ишлаш бўйича йўриқчи ёки котиб бўлмасин, унинг ташкилотчилиги кўзга ташланди.

М.Тулаганова ҳамиша меҳнаткашлар ва улар фарзандларининг дам олишларини уюштириш, соғломлаштириш ишларини йўлга қўйиш борасида ибратли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилди. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари, шу кунларда эса Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси лавозимида ҳам меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш, қатъиятли бўлиш билан эътибор топган.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини эгаллаган бу инсон ҳамиша ўзининг билими ва малакасини оширишга ҳаракат қилади.

ХУДОЯРОВ Махамаджон Бердибоевич

162-Янгийўл сайлов округи

Агар инсон кундалик турмуш эҳтиёжларидан юқори кўтарилиб, жамиятга, халқ ўйташвишларига ўзини дахлдор ҳисобласа, ўзидаги бор билим ва куч-ғайратини эзгу мақсадларга сарфласа, албатта, юрт назарига тушади. Унинг фаолиятида доимо ташаббускорлик, оқилона иш юритиш устун туради. Ана шу тоифага мансуб кишилар бугунги кун нафаси билан ҳамоҳанг яшайдилар.

Махамаджон Худояров ҳам шундай инсонлар сирасидан.

Бугунги кунда аҳолининг ёғ-мой маҳсулотига бўлган талабини қондириш мақсадида талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳам бу ишдан четда қолаётганлари йўқ. М. Худояров корхонага раҳбар бўлгач, комбинат замонавий технология билан жиҳозланди, янги цехлар қурилди, ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Аҳолининг ёғ-мой маҳсулотига бўлган эҳтиёжи қондирила бошланди. Совун тайёрлаш кўпайди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий аҳволи анча яхшиланди.

М. Худояров ташаббуси билан жамиятда махсар уруғини қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди ва 1600 гектар ерга махсар уруғи ва 400 гектар ерга кунгабоқар уруғини экиш бўйича вилоят хўжаликлари билан фьючер шартномалари имзоланди.

Шу билан бирга у Янгийўл шаҳрини ободонлаштириш, янги қурилишлар барпо этиш, маиший хизмат тармоқлари, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари билан жиддий шуғулланади.

ХАЛИКОВА Мукаддас

156-Ўрта Чирчиқ сайлов округи

Қуёш ҳар тонг уфқдан бош кўтарганда Мукаддаснинг серташвиш кунлари бошланади.

Ерда ҳам ҳикмат кўп. Ҳар баҳор тупроқ қатидаги минг-минглаб уруғлар ерни оҳиста ёриб, қуёшга юз тутади. Мукаддас бу жараённи кўп кузатган.

Илк меҳнат фаолиятини Ўрта Чирчиқдаги «Роватан» жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган Мукаддас Халикова пахта териш машинасида механизатор, жамоа хўжалиги бўлим иқтисодчиси бўлиб давом эттирди. 1968-1970 йиллар мобайнида Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўртасарой» жамоа хўжалигида бригада бошлиғи, механик-ҳайдовчи, ҳунар-техника билим юрти директори муовини ва кўплаб вазифаларда фаолият юритди. 1991 йилдан ҳозирга қадар «Ўртасарой» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келаётир.

Аёл боши билан хўжаликда муаммолар ечимини топиш, қишлоқ аҳли турмуш тарзини кўтариш каби хайрли ишларнинг бошида турган Мукаддас Халикова ўзининг чуқур билими ва ҳаётий тажрибасини эзгу мақсадлар йўлида сарфламоқда. У раҳбар бўлгандан буён хўжалик иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланди. Маҳсулот турлари кўпайди, пахта, ғалла етиштириш салмоғи ортди. Кўзи деҳқончиликда пишган аёлнинг ҳали эзгу орзулари кўп.

ТУРАБЕКОВ Ҳусан Мустахим ўғли

163-Зафар сайлов округи

Ҳусан Турабеков 1981 йили Олмаота тиббиёт институтини тамомлаб она тупроғи — Бекободга қайтди. Келибоқ туман болалар марказий шифохонасида иш бошлади. Меҳнаткаш, билимдон ва ширинсўзлиги билан одамлар қалбига тез кириб борди. Ҳурмат, эътибор қозонди. Ундаги ғайрат ва журъатни кўрган жамоа туман марказий шифохонасига бош шифокор этиб сайлашди.

Ҳусан Турабеков ўз устида кўп ишлайди. Ундаги билимдонлик, зукколик билан бирга раҳбарлик қобилияти жамоа бошини қовуштиришда қўл келди. Тартиб-интизомни кучайтирди. Туман шифохоналарида кенг кўламли таъмирлаш ишлари бажарилди. Янги тиббий ускуна ва жиҳозлар келтирилди, Туман ҳокимлигининг кўмаги ҳамда унинг ҳаракати туфайли деярли барча шифохоналар иссиқ сув билан таъминланди.

— Биринчи навбатда маҳаллий бюджетдан соғлиқни сақлаш соҳасига жон бошига ажратиладиган маблағни кўпайтириш керак, — дейди Ҳусан Турабеков. — Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишда ёрдам беради. Қолаверса, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кўпайтириш, қишлоқ жойларга саноатни киритиш ҳам долзарб вазифалардан.

Сайдуллаев Мансур Хабибуллаевич

164-Бўка сайлов округи



Мансур бу йил 28 ёшга тўлди. Бўка туманининг «Бўстон» жамоа хўжалигида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, далада ишлади. Тинмай меҳнат қилди. Одамлар назарига тушиш осон эмас, лекин Мансурнинг ишчанлиги кўпчиликнинг эътиборидан четда қолмади. Кўпнинг ҳожатини чиқаришга улгурди. Шу орада вақт ҳам топди ўқишга.

1995 йили хўжалик раиси уни ҳузурига чорлаб, таъминот бўйича ўзига муовин қилиб олди. Мансур учун энди ўзини кўрсатадиган пайт келганди. Шундай қилди. Тезда ёш кадр сифатида туман раҳбарлари назарига тушди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас Мансур «Бахмал» жамоа хўжалигига раис бўлиб тайинланди. Бир йил ичида нимага эришдию, нимага эришмади, буни ўша хўжаликда яшовчилар яхши билишади.

— Мансур ёш бўлса ҳам кўпчиликнинг ҳурматига сазовар бўлган, — дейди унинг ишончли вакили Фарҳод Ҳотамов. — Бу йилги ғалла ва пахта мавсумида шу йигитнинг ташаббускорлиги боис режалар ортиғи билан бажарилди. Мен келажак ёшларники эканлигини ҳисобга олиб, агар Мансур депутат бўлса халқимизнинг ишончини оқлайди, деб ўйлайман.

НАЗАРОВ Хамидулла Сативалдиевич

157-Кимёгар сайлов округи

— Мен ХДПнинг сайловолди дастурини бир овоздан қўллаб-қувватлайман,— дейди «Ўзкимёсаноат» институтининг Чирчиқ филиали директори Хамидулла Сативалдиевич сайловчилар билан учрашувда. — Унда белгиланган масалалар Ўзбекистоннинг йигирма биринчи асрдаги ҳаёти учун ҳар томонлама манфаатлидир.

Хамидулла Сативалдиевичнинг узоқни кўзлаб иш олиб бориши, дадиллиги, журъатқорлиги бизни ҳам қойил қолдирди. Суҳбатлашсангиз, зерикмайсиз. Унинг кенг дунёқараши ва ҳаракати бозор шароити боис муаммоларга дуч келиб қолган корхонани тезда ўнглатди. Катта лаборантликдан корхона раҳбаригача бўлган вазифани босиб ўтди. Ўз соҳасини ипидан игнасигача билади: раҳбарликнинг бош хусусияти — одамларга бўлган юксак эътибордир. Эҳтиёжманд кишиларнинг талабини қондириш муҳим масалалардан бири. Йўқ жойдан бор қилиб бўлмайди, аммо мавжуд имкониятларни ишга солса самараси бўлади.

Маълумки Чирчиқ шаҳрида саноат корхоналарининг, айниқса химия саноатининг мавжудлиги экологик вазиятга таъсир кўрсатмоқда. Хамидулла Сативалдиевич ҳудудий муаммолар устида кўпроқ бош қотиради. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳанинг тезроқ амалга ошиши тарафдори. Унинг дастуридаги муҳим масалалардан яна бири — экологик соф ишлаб чиқариш объектларини қишлоқ ҳудудларида ташкил қилиш, шу тариқа янги иш жойларини барпо этишдир.

Жураев Миркамал Хожиахматович

165-Зангиота сайлов округи

Миркамал Тошкент вилоятининг Зангиота туманида таваллуд топган. Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтади. Қуролни, урушни, ўлимни кўрди. Кўзи пишди. Тириклик, тинч-осуда ҳаётнинг ҳар недан ортиқ эканлигини англади. У хизматда юрган пайтларида юрагига соғинчни тоғдек уйди. Соғинчки, юрт эркидан тўйиб, нафас олиш ва меҳнат қилиш, одамлар қувончига шерик бўлиш соғинчи эди. Қарангки, бу соғинч уни тақдиридан айро тушмади. «Чиғатой-Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлди. Эндиликда унинг куни ҳам, туни ҳам, бахти ҳам, дарди ҳам, қувончи ҳам одамлар билан бирга бўлиш.

Миркамалдаги илмга бўлган интилиш уни Тошкент давлат университетига етаклади. Университетни муваффақиятли тамомлаб, Ўрта Осиё ипакчилик институтида илмий ишини давом эттирди. Ўз соҳаси бўйича чуқур билимга эга.

Биз сайловчилар билан гаплашдик. Улар Миркамалга ҳурмати баландлигини билдиришди. Қатъиятлилиги, мустақил иш юрита олишлиги ютуқларга омил бўлмоқда. Номзоднинг сайловолди дастурида айнан сайловчиларнинг кўнглидаги гаплар топиб ёзилган.

САДИКОВ Нигматулла Усарович

158-Машинасозлар сайлов округи

Салкам ярим асрлик умри давомида Нигматулла Усарович ўз ҳаётини ёшларсиз тасаввур қилгани йўқ. Бунинг сабаби бор, албатта. Олий маълумотли, муҳандис-механик ихтисослигига эга бўлган Н. Садиков Чирчиқ шаҳридаги 19-ҳунар билим юртида чилангар-сантехникликдан иш бошлаган.

— Отам Бўстонлиқ туманидаги «Сижжак» қишлоғида туғилганлар, деб ҳикоя қилади у. — Мен эса вазият тақозоси билан Чирчиқ шаҳрида таваллуд топганман. Шу шаҳардаги Тошкент политехника институтининг филиалига ўқишга кириб, кимё саноати машина ва аппаратлари ихтисоси бўйича олий маълумот олдим.

Унинг меҳнат фаолияти 19-ҳунар билим юртида бошланган. Сўнгра ҳарбий хизматдан қайтгач, яна шу билим юртига ишга келган. Бироз муддат ҳайдовчи бўлиб ишлади. Кейин эса 120-билим юртида ишлаб чиқариш устаси бўлган.

1978 йилда ана шу ҳунар-техника билим юртининг директори этиб тайинланган.

1982 йилда эса 201-билим юртининг директори этиб тайинланди.

Н. Садиков 1991 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 1-касб-ҳунар коллежи директори бўлиб ишлаб келмоқда.

Бу таржимаи ҳол сиртдан қараганда бир хил тарздаги ишдек туюлса-да, Нигматулла Усаровични жамоадагилар билимдон, ишга ижодий ёндошадиган, ҳар доим изланиб, ёниб-куядиган инсон сифатида яхши билишади. Яна унинг фазилатларидан бири шуки, ўз фикрида маҳкам туради, ғоят талабчан раҳбар.

ДЖИХАНГИРОВА Дилбар Набиевна

166-Қизғалдоқ сайлов округи

Халқимизда «Давронлар яшарган дамлар» деган ибора бор. Қадимий тарихга эга, халқи меҳнаткаш юртимизнинг эзгу армонлари рўёб топиб, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён ўтган тарихан қисқа давр ҳақида ҳам ҳеч муболағасиз шундай дейиш ўринли бўлур эди. Буни эртанинг ташвиши билан ёниб яшаётган, юрт манфаатини ўзиникидан юқори қўяётган фидойиларнинг ҳиссаси билан ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Дилбар Набиевна ҳам ватани, юрти ишқида ёниб яшайдиганлардан.

Ўзининг илк меҳнат фаолиятини Янгийўл шаҳридаги 1-болалар боғчасида тарбиячиликдан бошлаган Д. Джихангирова шаҳар бирлашган касалхонасида шифокор-гинеколог, Оққўрғон тумани «Оққўрғон» давлат хўжалиги шифохонаси шифокори, Янгийўл шаҳар туғруқхонаси бўлим мудири, Янгийўл тиббиёт билим юрти директори вазифаларида ишлади. 1984-1986 йилларда эса Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси, вилоят ҳокими ўринбосари каби лавозимларда фаолият кўрсатди. У 1997 йилдан бугунги кунга қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси вазифасида хизмат қилмоқда.

Дилбар Джихангирова кўп вақтини одамлар орасида ўтказгани учун ҳам республикадаги иқтисодий-ижтимоий аҳволни яхши билади. Шу боисдан ҳам бу ишларда унинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, одамлар билан ишлай билиш салоҳияти қўл келмоқда.

АЪЗАМОВ Сирожиддин Хидоятович

167-Салор сайлов округи

Депутатликка номзоднинг жўшқин меҳнат фаолияти қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда, бой мазмунга эга. Зотан, 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида у қишлоқ ҳаётини, унинг танти, беғубор, дилкаш, бағри кенг инсонлари билан ўз қисматини боғлади.

Баъзан шундай бўлади: киши бир мақсад йўлида тинмай елиб-югуради. Ниятига етгандан сўнг ўз кучидан ўзи фахрланади. Сирожиддин Аъзамовнинг ҳаётида бу каби севинчли онлар кўп бўлган.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини тугатиб, илк меҳнат фаолиятини Тошкент туманидаги «Ўзсельхозтехника» бирлашмасида бошлаган С. Аъзамовнинг ҳаётида унутилмас кунлар бошланди. Аввало товаршунос, катта муҳандис, омбор мудири бўлиб фаолият кўрсатди. Тумандаги жамоа хўжаликлари партия ташкилотининг котиби, Юнусобод туман қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Тошкент тумани ҳокимининг муовини, ЎзХДП Тошкент туман кенгашининг биринчи котиби, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди. У бугунги кунда эса ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби сифатида ишлаб келаётир.

Сирожиддин Хидоятович ишчан, ғайратли, сўз ва иш бирлигига қатъий амал қиладиган, иродали, ташаббускор, бошлаган ишини охирига етказадиган, сиёсий етук раҳбар ходим.

САГДУЛЛАЕВ Рахматилла

159-Чорвоқ сайлов округи

Ҳаловат билмай, исталган вақтда инсонларга қайта ҳаёт бағишловчи касб эгалари, кўнгилларидек тоза бўлган оқ ҳалат соҳиблари бу — тиббиёт ходимларидир. Худди шундай касб эгаларидан бири Рахматилла Сагдуллаев мана 30 йилдан бери эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

— Соғлом авлодгина буюк келажак яратиши, буюк давлат қуриши мумкин, — дейди Рахматилла. — Умид билан келган ўнлаб беморларнинг соғайиб, уларнинг кўзларидаги, юзларидаги кулгуни, қувончни кўриб умринг қандай ўтаётганини ҳам билмайсан, жамият учун керак эканлигингни ҳис қилиб яшайсан. Инсоннинг меҳнатидан топадиган роҳати бу — ўз меҳнати натижасини кўришдир.

Рахматилла аканинг болалиги Бўстонлиқ туманидаги Сижжак қишлоғида ўтган. У Тошкент давлат тиббиёт институтида ва Тошкент халқ хўжалиги институтида (ҳозирги ТДИУ) таълим олиб серқирра касб эгаси бўлиб етишди. Дастлаб Чирчиқ шаҳри бош шифохонасида, сўнгра Хумсон санаторийсида шифокор бўлиб ишлади, тажриба орттирди. Зобит-шифокор бўлиб, ватанимиз посбонлари — ҳарбийлар хизматида бўлди. 1978 йилда Рахматиллага Хумсон санаторийси бош шифокори вазифаси топширилди.

Унинг шиори шундай: «Тинчлигимиз, соғлигимиз — энг катта бойлигимиздир».

ШАМИРЗАЕВ Алишер Абдусаломович

168-Қибрай сайлов округи

Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини биносидамиз. Алишер шошиб кириб келди. У қишлоқда саҳоватпеша одамлар кўплигини, шу боис улар ўтказган тадбирда иштирок этиб, бироз кечикканлигини айтди. Алишер 1962 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Тошкент давлат автомобиль йўллари институтини тамомлагач, Автомобиль йўллар қурилиши дирекциясида йўл қурилиш муҳандислигидан иш фаолиятини бошлади. Кейинчалик Қибрай туман шаҳсий уй-жой қурилиши бўлимида, туман меҳнат биржасида, туман ҳокимлигида ишлади. Алишер қаерда ва ким бўлиб ишламасин, доимо ўқиди, изланди.

Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини уни Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатди. Алишер сайловчилар билан бўлаётган мулоқотларда ўз сайловолди дастури билан таништириб боряпти.

Малика Исомуҳаммедова, ишончли вакил: Алишерга ҳамманинг ҳаваси келади. Ишчан, адолатпеша йигит. У қишлоқ фуқаролар йиғинига раис бўлиб келганидан бери жуда кўп амалий ишларга қўл урди. Йиғинимизда 14 минг аҳоли, 8 та маҳалла бор. Иссиқ сув, газ ва бошқа тармоқлардан доимо бохабар. Маҳалланинг каттаю-кичиги уни бирдек ҳурмат қилади.

Алишер туман ҳокимлигида ишлаган пайтларида тажриба орттирди. Кўпчилик билан ишлади. Кимнингдир дардига, кимнингдир қувончига шерик бўлди. Ана шу тажрибалар бугун унга қўл келмоқда.

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

КУРБАНОВ Равшанбек Давлатович

169-Куйи Чирчиқ сайлов округи

У Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида 1947 йилда хизматчи оиласида туғилган. 1966 йилда шу шаҳардаги мактаб-интернатни олтин медаль билан битириб, Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирган. 1972 йилда врач-терапевт ихтисосини эгаллагандан сўнг Хива шаҳар шифохонасида врач-терапевт бўлиб иш бошлаган.

У 1976-81 йилларда Москвадаги кардиология илмий марказининг клиник ординатура ва аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ёқлаган. Шундан сўнг Тошкентга — Республика кардиология илмий-тадқиқот институтига ишга қабул қилинган. Дастлаб, кичик илмий ходим, сўнгра катта илмий ходим ва лаборатория мудири бўлиб ишлаган. 1987 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. 1992 йилда унга профессор унвони берилган.

1992-1995 йилларда у 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг Хоразм вилоятида янги ташкил этилган филиалининг директори бўлиб ишлади. Айни вақтнинг ўзида, яъни 1988-92 йилларда у республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош терапевти, 1997 йилдан эса бош кардиологи бўлиб ишлади. Р. Курбанов 1997 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон кардиология илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлган.



НИЁЗОВ Эргаш Миннаварович

170- Оққўрғон сайлов округи

Эргаш меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. 1990 йилгача туманнинг қатор корхона ва муассасаларида ишлади. 1990 йилга келиб Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлди. Бир йилдан сўнг туман агросаноат уюшмасида раис муовини, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси этиб сайланди. Эргаш Оққўрғон туман Кенгашига депутат ҳамдир.

Туман аҳли Эргашни тажрибали, халқига хизмат қилишдан чарчамайдиган инсон деб билади. Рост гап. У узоқ йиллик меҳнат фаолиятида кўплаб ободончилик ишларини бажариш билан бирга, қийинчилик ва машаққатларни ҳам кўрди. Хайрият, истиқлол бор экан, озод кунларга ҳам етдик-ку, дейди у. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари бу йил ғалла ва пахта топшириш режаларини ортиғи билан бажардилар.

Эргаш ўзи сингари жонкуяр, халқи учун хизмат қиладиган шогирдлар етиштиряпти. Қишлоқ аҳлининг яшаш шароитини яхшилаш ниятида тиним билмай меҳнат қилаётир.

АХУНОВ Ёдгор Мустафаевич

171-Чиноз сайлов округи

Ёдгор Ахунов 1951 йил Тошкент вилоят, Чиноз тумани «Эски Тошкент» қишлоғида дунёга келган. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаб, шу туманда техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб иш бошлаган. Қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб тайинланганида мустақилликнинг илк йиллари эди. Кўплар қатори Ёдгор Ахунов ҳам енг шимариб масъулиятли ишга киришди.

Қишлоқ фуқаролари билан тез-тез учрашиш, уларнинг онгидаги, тафаккуридаги ўзгаришларни кузатиш, зарур бўлса, ислоҳотлар замиридаги туб моҳиятларни англаш унинг фаолиятига айланди. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, барча чораларни ишга солди. Одамларни кўпроқ жамият ҳаётида кечаётган ўзгаришлардан, ислоҳотлар зарурияти ва самараларидан, маънавият ва маърифатдан бохабар қилиб боришни лозим, деб топди. Бу борадаги ташкилий ишларга бош-қош бўлди. Бугун нафақат қишлоқдаги, балки тумандаги ҳар бир тадбирда унинг ўрни сезилади.

Ёдгор Ахунов туман Кенгаши депутати ҳамдир.

— Ҳар бир ишда масъулият бўлмоғи даркор, — дейди у. — Мустақилликни асрашда, Ватан тараққиётини таъминлашда ана шу омил асқотади.

РАСУЛОВ Карим Расулович

172-Навбаҳор сайлов округи

Каримжон Расулов Тошкентдаги рус тили ва адабиёти институтида таҳсил олган. У рус адабиёти ўқитувчиси сифатида дунёвий билимларни кўпроқ билишга интилди. Ундаги билим, салоҳият, фалсафа ва сиёсатни яхши тушуниши нуфузли идораларда ишлашига имкон берди. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатиб, кўпнинг эътиборини қозонди.

Қобилиятли бу инсон қисқа даврда ўзини малакали мутахассис, эътиборли ва талабчан бошлиқ сифатида намоён этди. Жумладан, ундаги ташкилотчилик қобилияти, давлат ва партия органларида орттирган сиёсий ва ижтимоий соҳалар бўйича тажрибаси уни Республика байналмилал маданият маркази директори лавозимига тайинланганида айниқса асқотди.

Бу вазифага ўтгунга қадар у Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон Давлат телерадио-компанияси раиси ўринбосари лавозимларида ҳам фаолият кўрсатиб, ўзининг кенгфеъллилик, мулоҳазалилик, ҳамиша топширилган вазифага нисбатан масъулиятни ҳис этиши, одамларга муносабатда инсонпарварлиги каби жиҳатлари билан ўрнак бўлди. Камтар, ҳақгўй Карим Расуловичнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган.

АБДУВАЛИЕВ Абдурахмон Абдулхаевич

173-Эски Қовунчи сайлов округи

Абдурахмон Абдувалиев республика автотранспорти тармоғига чет эл сармоясини олиб кириш масаласида фаол ва узлуксиз шуғулланиб келмоқда. Украинанинг «Днепршина» автомобиль шиналари ишлаб чиқариш заводи билан биргаликда «Автотрансднепрсервис» қўшма корхонаси ташкил қилинди ва унинг вазифаси қилиб тармоқ автокорхоналарини керакли ғилдираклар ва резина техника маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси топширилди. Россиянинг Павловск автомобиль заводи билан биргаликда «ПАЗавтотранстехмарказ» қўшма корхонаси ташкил қилинди ва унинг зиммасига йўловчи ташиш ПАЗ ва ГАЗ русумидаги автомобилларга эҳтиёт қисмлар ва ускуналар етказиб бериш, мазкур автомобилларга техник хизмат кўрсатиш вазифалари юкланди. Ундан ташқари, узоқ хорижда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц», «Икарус», «Кароса» ва шунга ўхшаш автобусларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланадиган «Модик» техник маркази ташкил қилинди. Улар ҳозирги кунда концерн тасарруфида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва тармоқ автокорхоналарига катта ёрдам бермоқдалар.

Автомобилларни техник соз ҳолатда сақлаш ва чет эл сармоясини жалб қилиш мақсадида, Тошкент, Самарқанд, Нукус ва Фарғона водийсида «ДЭУ», «Рено» «Кароса» автобусларига ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида «Тойота» русумли кичик автобусларга техник сервис хизмати кўрсатиш марказларини ташкил қилишда Абдурахмон Абдувалиев бевосита бош бўлмоқда.

Ипак йўли муаммолари бўйича илмий иш олиб бормоқда. «Ўзавтотранстаъминот» тизимида ишлаётган ёшлар тарбиясига катта аҳамият беради.

Хушмуомала, талабчан, шу боис у корпорация ходимлари ва концерн тасарруфидаги корхоналар хизматчиларининг ҳурматига ва эътиборига сазовор инсон.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ЯКУБОВ Анваржон

174-Бешариқ сайлов округи

Бешариқда Анвар Якубовни билмайдиган одам йўқ. Кўпларга устоз. Анча йиллар мактабда рус тили ва адабиётидан дарс берган, директорлик қилган. Бешариқ спортчиларини-ку унинг номини эшитганида юзлари ёришиб кетади. Чунки Анваржон Якубов Бешариқ тумани физкультура ва спорт қўмитаси раиси бўлиб ишлаб юрган кезлари Бешариқ футболчилари республика биринчилигида тўп суришган, волейболчи ва полвонларнинг довруғи кетган. Сўнг у бошқарув идораларида ишлади. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Бешариқ тумани ҳокими ўринбосари сифатида туман иқтисодиётини юксалтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, туманда маданий-маърифий ишларни янги йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий савиясини ошириш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилди.

Анваржон Якубовни туман ижодкорлари ҳам севишади. Чунки у адабиёт ва маданият ишларига қизиқади, ўзи ҳам шоир. Она-Ватан, ёр, ўлка табиати тараннум этилган шеърлари туман, вилоят ва республика матбуотида чоп этилган. У бешариқлик шоирларнинг шеърларини тўплаб, «Бешариқ илҳомлари» китобини чоп эттириш пайида юрибди.

1995 йили Ўзбекистон ХДП Бешариқ туман кенгашининг биринчи котиби этиб тайинланди. У котиб бўлган йиллари ХДП Бешариқ туман ташкилоти ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди. Бешариқда партия уюштирган кўплаб семинарлар, учрашувлар, ўқувлар бўлиб ўтди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ХДП Бешариқ туман ташкилоти сон жиҳатидан республикадаги ХДП туман ташкилотлари орасида етакчи ўринлардан бирида туради.

МИРЗАМАХМУДОВ Тажибай

177-Қайнар сайлов округи

Илм инсониятни олға элтувчи машъаладир. Илмга ўзини фидо қилган, ҳаётини шу муқаддас ишга бахш этган инсонлар ҳар қанча олқишга сазавор. Ўзбекистон туманининг Ғафур Ғулом суйиб таърифлаган «Нурсуҳ» қишлоғида туғилиб ўсган Тажибайни илм ишқи Фарғона давлат педагогика институтига етаклади. Институтни аъло баҳоларда тугаллаган ёш мутахассисга катта ишонч билдириб, Тошкентга политехника институтига ишга йўллашди. Зеро, ўз илмий фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун бу ерда кенг имкониятлар бор эди. Т. Мирзамахмудов илм чўққиларини забт этиш йўлидаги машаққатларга бардош берди. Ҳозирги пайтда Фарғона давлат университетининг проректори лавозимида ишлаётган, физика-математика фанлари доктори, профессор Т. Мирзамахмудовнинг номи физика соҳаси олимлари ва мутахассислари ўртасида маълум ва машҳур. Унинг 150 дан ортиқ илмий асарлари МДҲ мамлакатлари ва Япония, АҚШ, Польша, Болгария каби хорижий мамлакатларида ҳам чоп этилган. Бу соҳа алломаларининг юксак баҳоларига сазовор бўлган. Домла илмий ишларини педагогик фаолият билан қўшиб олиб борди. Узоқ йиллар Фарғона политехника институтида ёшларга физика фани сир-асрорларидан сабоқ берди. Унинг юзлаб шогирдлари ҳозирги пайтда жонажон халқимизга садоқат билан хизмат қилмоқдалар.

Домла халқ орасида кўп юради. Жамоатчилик ишлари билан астойдил шуғулланади.

ҚОДИРОВ Акбаржон Кадирович

180-Фурқат сайлов округи

Маҳалла — ҳаёт академияси, миллат, маънавият бешиги, қадриятларимиз тимсоли. Зеро, маҳаллаларда юрт кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга, ўзбекона урф-одат, анъаналаримизга сайқал бера оладиган инсонлар яшашади.

1997 йилда Акбаржон Қодиров «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси этиб сайланганида дастлабки амалий ишни маҳаллаларнинг ўзидан бошлади. Маҳалла раислигига эса эл юкига елка тутадиган, фидойи, салоҳиятли инсонлар сайланади. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маҳалла оқсоқолларининг 24 соатлик ўқуви ташкил этилди, тест ва аттестациялар ўтказилди. Эндиликда 972 та маҳалла оқсоқолларининг 60 фоизидан зиёди олий маълумотли.

Вилоят «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг Фарғона шаҳар бўлими ҳамкорликда шаҳарда уч гектар майдонда маҳалла маданий маркази ташкил этяпти. Бу ерда «Маҳалла» ашула ва рақс ансамбли, чойхона, меҳмонхоналар учун бинолар барпо этилади.

— Маҳалла ўз мулкини ўзи барпо этиши керак, —дейди Акбаржон Қодиров.— Ҳозирда вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг деярли 40 фоизида бино жиҳозлари, экин майдони ва бошқа мулклар мавжуд.

ҒАНИЕВ Талибжон Хамидович

175-Рапқон сайлов округи

Ҳам Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, ҳам Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тугаллаб, қўш диплом олган мутахассислар Бешарикда кўп. Бироқ Талибжон Ғаниев бошқача.У «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида биолаборатория мудири бўлиб ишлаганда ҳам, шу жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида фаолият кўрсатганида ҳам, энг аввало ўзини эмас, балки халқни ўйлайдиган одам, раҳбар эканлигини кўрсатди. Ҳозирги пайтда қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқариш анча мураккаб масала. Эр-хотиннинг урушидан тортиб, қишлоққа газ келтириш, қайнона-келин можаросидан тортиб ишсизларга иш топиб, жойсиз ёш оилаларга томорқа ажратишдек катта-ю кичик масалалар аввало қишлоқ йиғинида ҳал бўлади.

Талибжон Ғаниев қалби олов, иймони бут, иродаси мустаҳкам кишиларданки, Бешариқ тумани «Қашқар» қишлоқ фуқаролар йиғини раисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатган сайловчилар асло янглишмаганлар.

Зеро, фуқаролар йиғини худудидаги оилалар, хўжаликлар ва корхоналарнинг ҳар бирида ўзига хос муаммолар, кундалик ташвишлар, режалар бор. Уни адолатли ҳал этиш, қишлоқнинг ҳар бир фуқаросига тинч ҳаёт ва унумли меҳнат учун зарур шарт-шароитлар яратиш фуқаролар йиғини раисининг биринчи вазифасидир.

ЗАКИРОВ Фаррух Каримович

178-Қўқон сайлов округи

Қўшиқ — инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиради. Ўлмас мумтоз ашулалар халқимизнинг асрий мероси. Давр келди, мумтоз қўшиқлар билан бир қаторда янги қўшиқларга кучли интилиш пайдо бўлди.

Зокировлар шажараси санъаткор. Сулоланинг ёркин яна бир юлдузи — Фаррух. У болаликданоқ акаси (раҳматли) Ботир Зокировнинг беназир овозига, эстрадамизнинг бойлиги бўлган қўшиқларига ўта зийраклик билан қарарди. Ўсмирликнинг ҳаваслари ортда қолди. Санъат сабоғини олди. Республикамизда биринчи эстрада ансамбли — «Ялла»ни тузди.

Эътиборлиси шундаки, яллачилар халқ қўшиқларини, термаларини замонавий эстрада йўлида куйлай бошлашди. Ғуруҳ раҳбари Фаррух Закиров аслида мумтоз ашулаларимизниям маромига етказиб айтади. 1972 йилдан бошлаб ўзбекнинг «Ялла»си дунё бўйлаб халқ яллаларимизни куйлаб келяпти. Албатта, ҳалол тер тўккан одамнинг меҳнатиям ўз қадрини топади.

Санъаткор 1979 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1986 йилда эса халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлди. 1996 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

«Санъат чегара билмайди, тил, дин сараламайди. Яхши қўшиқ руҳни эзгуликка йўғиради», дейди Фаррух Закиров.

Санъаткор дунёни кезиши, ғулдурос қарсаклар, гулдасталарга кўмилиб куйлаши мумкин. Аммо асл ҳофизни аввало эли эъзозлайди. Қадрини баланд тутади. Фаррух Закировга шундай ҳурмат насиб этган. Бу эл назари. Фаррух Закиров буни, шу олқишни ардоқлайди.

ТЎЙЧИЕВ Қосимжон

181-Данғара сайлов округи

Қамчиқ довонининг серқатнов йўлларидан юриб, водий сарҳадларига чиқасиз. Азим Сирдарё устидаги кўприкдан ўтишингиз билан Фарғона вилоятининг ғарбий дарвозаси — Данғара тумани ҳудудига кириб келасиз. Данғара вилоятни пойтахт билан боғловчи, сўлим ҳавоси, боғ-роғлари билан машҳур юрт. Қосимжон Тўйчиев шу юртда, Манғит қишлоғида туғилиб ўсди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатди-ю, шу-шу далада, одамлар орасида. Анча йиллар вилоятдаги ягона «Қўқон» асаларичилик хўжалигини бошқарди. Асаларичилик бир қарашда осон ишга ўхшайди. Қутиларни далага олиб чиқасан-да, уяларни очиб юборасан. Асаларилар ўзлари боғу далалар узра учиб, асал келтираверади. Лекин аслида ундай эмас. Бу иш сабр-тоқат, зукколик, ишбилармонликни тақозо этади. Одамларни ишлаб чиқариш муаммолари, кундалик турмуш ташвишларини ҳал этиш сари йўналтиришнинг уддасидан чиқди. Хўжалик ривожланди, арзон, шифобахш асал кўплаб етиштирилди. Мана, ўтган йилдан буён у «Ишонч» ширкат хўжалигининг раиси. Эл-юрт ўзига билдирган ишончни оқлаб келяпти. Юртдошлари уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатишганидан хабар топган кишилар «Жуда тўғри бўпти, Қосимжон депутатликка энг муносиб номзод», демоқдалар.

ЁҚУБОВ Гулямитдин Ташпулатович

176-Яйпан сайлов округи

Гулямитдин оддий ишчи оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олди. Ўша пайтлари уни эл-юрт ҳурматига сазовор бўладиган санъаткор бўлиб етишишини ким ўйлабди, дейсиз.

Қўшиқчилар бор ўз ижодий йўлини жуда эрта бошлайди. Элга танилишидан олдин обдон «катта қозон»да қайнайди, етилади. Қўшиқчилар бор илк имкониятданоқ ярқ этиб кўзга ташланиб қолади. Г. Ёқубов санъат оламини чақмоқдек ёриштирганлардан.

Илк қўшиқлариданоқ халқ уни севиб қолди. Шундай ҳоллар ҳам бўлади. Биринчи, иккинчи чиқишданоқ эл оғзига тушган хонанда сал ўтмай «катта саҳна»дан тушади. Уларнинг юлдуз кўрмай жон берган қўшиқлариям тезда эсланмай қолади. У эса буни чуқур ҳис этди. Ўз ижодий дастурини тинмай бойитди. Бойитгандаям тингловчилар руҳини кўтарадиган, узоқ ёдда қоладиган қўшиқлар эвазига тўлдириб борди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига лойиқ топилди. 1997 йилда «Дўстлик» ордени соҳиби бўлди.

«Мукофотлар ўз йўлига. Аммо «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланганимни эшитганимда кўзларимга ёш қалқди. Юртим, элим олдидаги қарздорлик ҳисси юрагимни тўлдирди», дейди қўшиқчи.

У элга, юртга шукроналик туйғуси билан яшайди. Бошқалар кўнглидаям шу ният ниш уришини хоҳлайди.

МУХАМЕДОВ Равшан Мўминович

179-Чорсу сайлов округи

Кимки сенга ҳарф ўргатмиш юз ранж ила, онинг ҳаққин адо этиб бўлмас минг ганж ила... Ҳазрат Навоий устоз, мураббийлар шаънига бу таърифни хўб топиб айтганлар. Дарҳақиқат, устоз отангдек улуғ. Равшан Мухамедов болалигидан ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. 1974 йили мактабни битирди-ю, мактабда бош етакчи бўлиб қолаверди.

Ҳарбий хизматни тугаллаб қайтгач, яна Қўқондаги 5-мактаб интернатда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Ёш педагогдаги ташкилотчилик қобилиятини илғаган рахбарият уни шаҳардаги 30-ўрта мактабга директор ўринбосари этиб юборди. Р. Мухамедов педагогика фанини чуқур ўрганди, ўзи устида кўп ишлади. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг илғор усулларини ўрганиб, қўллади. У халқимизнинг энг яхши урф-одатлари ва анъаналари, Шарқ алломаларининг доно ўгитларига асосланган тарбия бериш тизимининг ўзига хос асосларини чуқур эгаллаган. 1994 йилдан бошлаб Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб директори лавозимида ишламоқда. Бу мактаб нафақат Қўқон шаҳри, балки вилоятдаги илғор тарбия масканларидан бири ҳисобланади. Мамлакат ўқитувчилари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган педагог Манзурахон Мадалиеванинг ҳам шу мактабда ишлаши бежиз эмас. Бу мактабда ёш авлодга чуқур, пухта таълим бериш, уларни ҳаётда фаол, серғайрат, тадбиркор бўлишларини таъминлаш, таълимнинг кўргазмали воситаларидан унумли фойдаланиш, ўқувчининг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол, Ватанга садоқатли, ота-оналарига, яқинлари, маҳалла-кўйга меҳрибон инсон сифатида тарбиялаш борасида муайян тажрибалар тўпланган.

МАМАДИЕВ Саидхон Шукурович

182-Учкўприк сайлов округи

80-йиллар охирларида Саидхон Шукурович Учкўприк тумани халқ депутатлари ижроия қўмитаси раиси эди. Шу орада туманга вилоят партия қўмитасида анча йиллар ишлаган бир раҳбар бош бўлиб келди. Бироқ, тез орада янги раҳбар туманни бошқаришда жиддий хатоликларга йўл қўя бошлади. Бу ҳол туман жамоатчилигини ташвишга солди. Бироқ доимо ҳақ гапни гапириб ҳақиқатнинг юзига тик қараб ўрганган Саидхон ҳақсизлик, мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларига чидамади, бу ҳақда очиқ гапирди. Ишончни суиистеъмол қилиш жиноят билан баробар эканлигини уқтириб, бу ҳолга чек қўйиш кераклигини рўй-рост билдирди. Саидхоннинг ўзи учун эмас, балки эл-юрт, оддий меҳнаткаш халқ манфаатлари учун курашганлигини ҳаёт исботлади.

Саидхон Мамадиев ҳозирги пайтда Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлайди. Тажрибали раҳбар халқ кўнглига йўл топа билади. Хўжаликда пилла, ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Иқтисодиёт яхшиланяпти, аммо Саидхоннинг кўнгли тўлмаяпти.

— Қишлоқ хўжалигида муаммолар кўп, — дейди Саидхон Шукурович. — Энг ёмони, сотган маҳсулотимизга ўз вақтида ишқ ҳақи ололмаслигимиздир. Бунинг устига топган пулимизга ўзимиз эмас, банк хўжайинлик қилади. Албатта, булар ҳал қилса бўладиган муаммолар. Лекин кейинги йилларда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари нархининг кескин ошиши кўп хўжаликлар раҳбарларини ўйлантириб қўйяпти. Қишлоқлар ҳудудидаги мактаблар, болалар боғчалари аҳволи яхшиланишни тақозо этади.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

АЗИМОВ Дилшод Мухторович

183- Фозиғиждон сайлов округи

Қишлоққа саноатни олиб кириш ҳақида кўп гапирамиз. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу борада катта ишлар амалга оширилди. Аммо қишлоқ аҳолиси, хусусан, аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийси қишлоқларида ишга лаёқатли одамлар, айниқса, ёшлар ўртасида ишсизлик борлиги сир эмас. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлагач, Дилшод Азимов Учкўприк ва Бувайда туманларидаги енгил саноат корхоналарида ишлаб келяпти.

Дилшод Азимов Учкўприк туманидаги ип-йигирув фабрикасида катта уста, цех бошлиғи бўлиб ишлаб юрган кезлари ўнлаб ёш ишчиларга устозлик қилди. Уларга касб маҳорати сирларини эринмай ўргатди. Айни пайтда ўзи ҳам қишлоқлардаги саноат корхоналарини юксалтириш, кенгайтириш, уларни илғор технология, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича муайян тажрибалар тўплади.

— Республикамизда енгил саноат, айниқса, тўқимачилик саноати корхоналарининг ривожланиши учун жуда қулай шароит мавжуд. Ахир, хомашё ўзимиздан, ишчи кучлари етарли. Шу боис, айниқса, Фарғона водийси қишлоқларида чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда харидоргир, жаҳон бозорида рақобатбардош газлама маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналар қуришни жадаллаштириш керак, — дейди айни пайтда Бувайда қишлоғидаги тикув-трикотаж фабрикаси директори бўлиб ишлаётган Д.Азимов.

СОЛИЕВ Суфхонжон Мўйдинович

188-Риштон сайлов округи

Гап ёшда эмас, дейди доно халқимиз. Суфхонжон Солиев ёш бўлишига қарамай, Фарғона вилоят маҳаллий саноат компанияси раиси лавозимида ишлаб келади. Маҳаллий саноат корхоналарида маълумки, кўпроқ ҳунармандлар, кулоллар, косиблар ишлашади. Юртимиз шуҳратини атлас, шоҳи жилолари, сопол, чинни буюмлар кўркида дунёга таратаётган бундай кишилар билан ишлаш ҳам марокли, ҳам масъулиятли. Бирок ўз уйини эмас, кўпрок ўз улусини ўйлайдиган раҳбар ҳар қандай муаммоларни ҳал этади. Кулол ёки ҳунарманд қалбига йўл топа олади. Бозор иқтисодиёти шароитларида компанияга қарашли ҳар бир корхона, цех, ишлаб чиқариш масканининг жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаш зарур. Яқинда Фарғонада Австрия фирмалари билан ҳамкорликда тўқимачилик қўшма корхонаси қуриш ҳақида икки томонлама баённома имзоланди. Бунда ҳам Суфхонжоннинг хизмати бор. Вилоятдаги энг ёш раҳбарлардан бири қишлоқларда маҳаллий саноат компаниясига қарашли корхоналарнинг филиалларини очишга ҳам бош-қош бўлмоқда. Марғилон, Қўқон шаҳарларидаги анъанавий бадиий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш, миллий буюмлар, тақинчоқлар, кийим-кечакларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича қайғурмоқда.

ТОШХЎЖАЕВ Аъло Юлбарсович

193-Абдулла Қодирий сайлов округи

Фарғона тўқимачилик комбинати бошқаруви раиси Аъло Тошхўжаев раҳбар сифатида катта тажриба орттирмаган бўлса-да, унинг дунёқараши, салоҳияти кенг, янгиликка қизиқувчан. Иш тутуми бугунги давр талаблари билан уйғунлашган.

Ўтган қисқа давр ичида, комбинатни оғир иқтисодий танглик ҳолатидан қутқариб, меҳнат жамоаси билан биргаликда ишчи ўринларини сақлаб қолишга эришди. Бунинг учун аввало жамоа ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тартиб-интизом ўрнатилди. Ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилди. Айниқса, корхона ёшларининг касб-ҳунар эгаллашлари, илғор технология сирларини ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, корхонада маънавий-маърифий ишларни жонлантирди.

Ҳозирги кунда енгил саноатга жаҳоннинг илғор технологияси кириб келмоқда. Шу ўринда умумий лойиҳа қиймати 118,084 млн. АҚШ доллари бўлган «Кабул Фергана Ко.ЛТД» қўшма корхонаси тузилаётгани қувонарлидир.

Низом жамғармасининг 40,3 фоизи мана шу корхона, 59,7 фоизи Кореянинг «Кабул Текстайлз» компанияси ҳисобларидан ташкил этилмоқда. Қўшма корхона йилига 21,6 минг тонна калава ип, 12,3 млн. метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Қўшма корхона фаолият кўрсата бошласа 2500 ишчи ўринлари яратилиб, шаҳар бюджетига қўшимча маблағ тушади. Унда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Европа мамлакатлари бозорига чиқади.Қўшма корхона қошида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида энг замонавий коллеж очилиши кўзда тутилмоқда.

НИШАНОВ Юсибжон

184-Бувайда сайлов округи

Фарғонада олий ўқув юртлари кўп. Аммо, Фарғона халқи узоқ йиллардан буён ўзларида ҳам тиббиёт институти бўлишини орзу қиларди. Мана, беш-олти йилдирки бу орзу амалга ошди. Дастлаб Фарғона давлат университетининг тиббиёт маркази сифатида вужудга келган бу ўқув юрти ҳозирда иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона бўлимига айланди. Ҳозир эколог ва санитар врачлар тайёрлаётган бу ўқув юрти келажакда яна кенгаяди. Фарғонада шундай ўқув юртининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тиббиёт фанлари доктори Юсибжон Нишанов номи билан боғликдир. У шу ўқув юрти ташкил бўлган дастлабки кунлардаёқ иш бошлаб, ўз фаолияти билан унинг ривожига катта ҳисса қўшди.

Юсибжон Нишанов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Тиббиёт билим юртини тугаллаб Бувайда, Чиркай қишлоқларида фельдшер бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент давлат тиббиёт институтини муваффақият билан тугатди. Яна 10 йил шу даргоҳда илм йўлида заҳмат чекди. Тиббиёт фанлари номзоди унвонини олгач, қишлоғига олим, юксак малакали врач бўлиб қайтди. 1983 йилдан Бувайда тумани марказий шифохонасида бош врач лавозимида ишлаб, туманда тиббиёт тармоқларини кенгайтириш, янги шифохоналар, қишлоқларда врачлик-амбулатория масканлари қурилиши ишларида бош бўлди.

Одамлар олим ва жамоатчи, тадбиркор, ғамхўр раҳбарга ишонадилар. Шу боис ҳам уни республика Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатишди-да!

ИГАМБЕРДИЕВ Анваржон Мамасалиевич

189-Сўх сайлов округи

Анваржон Сўх тумани, унинг муаммоларини жуда яхши билади. Зеро, отаси хизмат вазифаси туфайли Риштон туманида яшай бошлагач, 4-синф ўқувчиси шу ерда ўқишни давом эттирди. У пайтлари Сўх Риштон тумани таркибида эди ва табиийки у 1975 йили ўрта мактабни битиргунга қадар бу ерлар билан жуда яхши танишиб улгурганди. У 1980 йили Украинанинг Херсон шаҳридаги педагогика институтини тугаллади. Анваржон яхшигина боксчи. 1977 йили спорт усталигига номзод бўлган. 1980 йилдан бошлаб Риштон шаҳридаги 2-сон ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан ўқитувчилик қила бошлади. 1983 йилдан бошлаб эса, вилоят ёшлар ташкилотида масъул ходим бўлиб ишлади. Шу тариқа сиёсий идораларда ишлаш сир-асрорларини эгаллади. Одамлар, айниқса, ёшлар тарбияси, бунда шахсий намуна кўрсатиш, уларни маълум мақсадлар сари йўналтиришга ўрганди. Шу билан бирга ўз устида қаттиқ ишлади. «Континент-норд» корпорациясининг халқаро менежерлар мактаби Москвадаги бўлимида сиртдан ўқиди. Бир мунча муддат «Риштон» ташқи иқтисодий алоқалар фирмасида масъул ходим сифатида фаолият кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ҳар томонлама етук, онгли кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш энг устувор масалалардан бири эди. Шу боис Анваржонни 1992 йил охирларида Фарғона вилоят ҳокимлигининг ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири ўринбосари лавозимига таклиф этишди. У бу вазифада ҳам ўзини кўрсата билди.

1996 йилнинг август ойида у Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби лавозимига сайланди. Айни пайтда Фарғона давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан таҳсил ҳам олмоқда.

МАНСУРОВ Ахат Набиевич

194-Фарғона сайлов округи

У 1946 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб, ҳарбий хизматда бўлди. Тиббиёт билим юртида ўқитувчилик қилди. Аспирантурада таҳсил олиб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Рус ва немис тилларида ҳам эркин сўзлаша олади. Табиатан ташкилотчилик, одамларни уюштира билиш қобилиятига эга. Шу боис ҳам вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, вилоят ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаган пайтларида ҳам халқ орасида ишчанлиги, ташаббускорлиги, камтарлиги, ҳалоллиги билан обрў топди. У ҳозирги кунда Касаба уюшмалари Фарғона вилоят Кенгашининг раиси сифатида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бутлигини таъминлаш, ноўрин тазйиқлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳормай-толмай фаоллик кўрсатяпти.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши ижроия бюросининг аъзоси сифатида партиямиз дастурини кенг оммага етказиш, унинг обрўсини юксалтириш, бошланғич ташкилотларга ҳар тарафлама кўмак бериш ва уларнинг ишларини жонлантириш бўйича кенг кўламда иш олиб бораяпти. Ахат Набиевич Мансуров ЎзХДП вилоят кенгаши ҳамда Касаба уюшмалари Фарғона вилоят Кенгаши биргаликда ўтказган жуда кўплаб тадбирларнинг ташаббускоридир.

КЕНЖАЕВ Абдулла

185-Бағдод сайлов округи

Дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Инсон ҳам ёшлигида эгаллаган касбини ардоқлаб, шу касб сирларини тобора ўзлаштириб бораверса, бир кун албатта устоз мақомига эришади. Абдулла Кенжаев бундан ўттиз беш йил муқаддам, навқирон ўсмирлик чоғида қурилишда ғишт терувчи бўлиб иш бошлаган эди. Шундан буён у қурувчи. Ҳозирда у фахр билан «Фалон-фалон кўприкларни, уйларни, илм-маданият кошоналарини қурганман», дейди. Ривоятларда айтилишича ошини ошаб, ёшини яшаган инсондан умрингизда кўприк қурганмисиз, уй қурганмисиз, дея сўрашаркан. Бу саволга ижобий жавоб берган одамнинг умри беҳуда ўтмаган ҳисобланаркан. Шу жиҳатдан Абдулла Кенжаев бахтли инсон. Оддий ғишт терувчиликдан қурилиш бошқармаси бошлиғи лавозимигача босиб ўтган ҳаёт йўлида минглаб одамлар билан учрашди, ҳамкор бўлди, елкама-елка ишлади. Юртнинг ободлиги учун бир қурувчи сифатида изланди. Лекин, ҳамиша турмушда ҳам, ишда ҳам, ҳамма жойда халоллик унинг бош шиори бўлиб қолаверди. Ўзи туғилиб ўсган Бағдод тумани марказида қад кўтарган кўп қаватли иморатлар, саноат корхоналари, маданият саройлари биноларида унинг қўл излари сақланиб қолган.

Қурувчилик шарафли касб. Оддий қурувчининг халқ ишончига сазовор бўлиши эса бундан-да шарафлирокдир. ЎзХДПнинг фаол аъзоси А. Кенжаев бу масъулиятни жуда чуқур англайди.

АХУНОВА Гулчехра

190-Охунбобоев сайлов округи

Гулчехра опа асли Марғилон атрофларида ўсган. Дил амри билан Тошкентга отланиб, ТошДУнинг журналистика факультетини тугатди. Ўзини илмий фаолиятга бағишлади. Кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Республикамиз равнақига хизмат қиладиган иқтидорли кадрлар тайёрлашга бош-қош бўлди. Ҳозирги пайтда Г.Ахунова Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Иқтисодиёт, бизнес, кадрлар тайёрлаш» институти директори, университет проректори лавозимида ишламоқда. Унга иқтисодиёт университетининг Фахрий профессори унвони берилган. Гулчехра опа яқинда минтақаларо меҳнат ва бандлик академиясининг академиги этиб сайланди.

Гулчехра Ахунова иш фаолияти давомида институтнинг бир нечта хорижий лойиҳаларида иштирок этиб, билим даргоҳи жамғармасига 150 минг АҚШ доллари миқдорида даромад келтирди. У университет хотин-қизлар қўмитаси раиси, Республика хотин-қизлар қўмитаси аъзосидир. Иқтисод фанлари номзоди, доцент Гулчехра Ахунова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган. У қишлоқ шароитида ишлаётган кўп болали оналарнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, қишлоққа ўрта ва кичик бизнесни жалб этиш, чет эл инвестицияларини тўла киритиш тарафдоридир.

АБДУЛЛАЕВ Абдухашим Абдуллаевич

195-Қиргули сайлов округи

У телефон гўшагини кўтарди.

— Абдухашим Абдуллаевич!

— Лаббай!

— Сиз ҳақингизда Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида газетага ёзишимиз керак.

— Биласизми, кераги йўқмикин...

— Нега?

— Ахир, деярли бутун ҳаётим Фарғона шаҳрининг мана шу Қиргули туманида кечяпти. Чорак асрдан буён эса шу битта корхонада — «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайман. Йигирма олти йил муқаддам шу корхонага электр чилангари бўлиб ишга кирган эдим. Ҳозирда эса бош директорман. Тўғри, 1991-92 йилларда ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб, сўнг яна қадрдон корхонамга қайтганман. Мени ўз округимда етти ёшдан етмиш ёшгача барча одам билади, ўз баҳосини беради. Шундай экан...

— Абдухашим Абдуллаевич, ахир таҳририятдан топшириқ олганмиз.

— Менимча кераги йўқ. Чунки, ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида муаммолар мавжуд. Шундай шароитда газетада мақтаниб турсам... Ноқулай...

Биз ҳам Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, муҳандис-электрик, ЎзХДПнинг энг жонкуяр фаолларидан бири, тажрибали саноат раҳбари Абдухашим Абдуллаев ҳақида мақтов мақола ёзмадик. Лекин шу кичик воқеа ҳам номзодимизнинг феъли, камтарлиги, халққа қайишувидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

СОЛИЖОНОВ Шокиржон

186-Ҳазиний сайлов округи

Ўтган йили хизмат тақозоси билан Фарғона вилояти «Агромашсервис» корхонаси раҳбари Шокиржон Солижонов ҳузурида бўлгандик. Ўша пайтда у эндигина шу лавозимга, Бағдод тумани машина-трактор парки давлат ҳиссадорлик жамияти бошқарувидан келган эди.

— Анчадан бери бир нарсани ўйлаб юрардим, — деди у. — Мана плёнка остига чигит экиш урф бўлди. У ўз ижобий самараларини беряпти. Бирок кўп жойларда ғўза ниҳоли ўсиб, ривожлангач плёнка йиғиштирилмай ер ичида қолиб кетяпти. Ҳолбуки, у чиримайди, натижада тупроқ таркибига катта зарар бериши аниқ. Далалардаги қолиб кетаётган ана шу минглаб тонна плёнкаларни йиғиштириб олиб ундан полиэтилен қувурлари тайёрлаш корхонаси қуряпмиз...

Дарҳақиқат бу ўта зарур, тупроқ таркибини бузилишдан сақлашда фойдаси тегадиган корхона эди. «Агромашсервис» раҳбарининг елиб-югуришлари натижасида кўп ўтмай шундай корхона Фарғона туманида қурилиб ишга туширилди.

Бу Шокиржон Солижонов меҳнат фаолиятидаги бир кичик лавҳа, холос. Лекин томчида қуёш акс этганидек, худди шу воқеада Ш. Солижоновнинг халқ дарди, она тупроқ, деҳқончилик муаммолари билан яшаши кўриниб турибди. Асли касби муҳандис-механик бўлган бу ажойиб инсон ишчи-хизматчилар, деҳқонлар орасида ишбилармонлиги, техникани яхши билиши, ташкилотчилиги, одамларга ғамхўрлиги билан катта ҳурматга сазовор бўлди.

МАМАДЖАНОВ Маъмур Мўминович

191-Марғилон сайлов округи

У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли муҳандис. Болалиги атласчилар, ҳунарманд, косиблар шаҳри Марғилонда ўтган. Шу боис ҳам ишни маиший хизмат кўрсатиш корхонасида бошлаган бўлса керак. Бу соҳада анча йиллар ишлаб тажриба орттирган М.Мамаджанов 1994 йили «Фарғонасунъийчарм» заводига ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо бўйича директор ўринбосари лавозимига келди-ю, соҳадаги қилинажак ишлар ҳали жуда кўплигини англаб етди. Енг шимариб ишга киришди. Корхонани қолоқлик гирдобидан олиб чиқиш учун куч-ғайрати, билими, маҳоратини аямади. Бир оёғи Фарғонада бўлса, бир оёғи МДҲ мамлакатлари ва олис хорижда бўлди. Орадан икки йил ўтиб, ишлар юришганини ва бунда Маъмурнинг хизматлари бисёр эканлигини кўрган корхона аҳли уни очиқ турдаги «Фарғонасунъийчарм» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимига сайлади.

Албатта, катта бир жамоани доимий равишда иш билан таъминлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларидан қутулиш, ишчиларнинг рўзғорини бут қилиш осон эмас. Бирок Маъмур Мамаджанов ишига пухта раҳбар сифатида ҳамма нарсани олдиндан режалаштиради. Жамоани янги ютуқларга илҳомлантира олади. Жамоада турли миллат вакиллари меҳнат қиладилар. Аммо корхонада улар ўзларини бир жону бир тан дея ҳис қиладилар. Ҳамма бир мақсад сари интилади. Мана шу аҳиллик, бирдамликда жамоа сардорининг ҳалол ва одил йўл тутиши ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

ТЎХТАНАЗАРОВ Мамиржон Кушакович

196-Тошлоқ сайлов округи

У инглиз тилини мукаммал билади. Албатта, бу билан ҳозирги пайтда одамларни қойил қилолмайсан. Аммо дастлаб мактабда химия-биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган Мамиржон Тўхтаназаров ўз устида ишлаш туфайли, феъл-атворидаги ялқовлик, янгиликка кучли иштиёқ боис қисқа муддатда инглиз тилини ўрганиб олди. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугаллаб, агроном-иқтисодчи мутахассислигини эгаллади.

Турли вазифаларда ишлаб, одамларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, ёшлар билан ишлаш, иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш йўлларини излаш борасида муайян тажриба тўплади.

Уч йилдан буён эса Тошлоқ тумани «Бизнес фонд» жамғармаси бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлаб келяпти. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхоналар, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш борасида анча-мунча хайрли ишларни амалга оширди. Худди шу тумандаги «Камрах» фермер хўжалигининг бу йил бўлиб ўтган республика фермер хўжаликлари кўрик танловида бош совринни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас.

Мамиржон Тўхтаназаровни билганлар уни ғайратли, изланишдан тўхтамайдиган, одамларга ғамхўр инсон деб айтишади. Тошлоқликлар ўз номзодларини жуда яхши билишади, унга ишонишади.

ИБРАГИМОВ Қаҳҳор Маматожиевич

187-Олтиариқ сайлов округи

Ибрагимовлар хонадонини Фарғонада эшитмаган одам йўқ бўлса керак. Қаҳҳорнинг падари бузруквор, раҳматли Маматожи Иброҳимов нафақат водий, балки Ўзбекистондаги энг кўзга кўринган тадбиркорлардан бири эди. Қаҳҳор ҳам отага муносиб фарзанд бўлиб етишди. 1979 йили Тошкент автомобиль йўл қурилиш институтини муваффақиятли тугаллаган ёш йигит анча йиллар Олтиариқ туман автомобиль йўл қурилиш идорасида турли лавозимларда меҳнат қилди. Ёш кадрдаги янгиликка интилиш, тадбиркорлик, ташкилотчилик фазилатлари тез кўзга ташланди. 1983 йилда Қ. Ибрагимов «Қапчуғай» қишлоғидаги ёғочни қайта ишлаш корхонаси директори вазифасига тайинланди. Қисқа фурсатда ўтириб қолган саноат корхонасини илғорлар даражасига кўтарди.

Худди ўша йиллари Ҳамза шаҳридаги Минерал сув заводида иш орқага кетган, корхонанинг қарзи кўп, ишчи ва мутахассислар бўшаб кетаётган эди. Бу ерга тайинланган уч-тўрт раҳбар корхонани ўнгломади. 1989 йили Қаҳҳорни шу корхонага директор лавозимига ўтқазишди. Мана шу ерда унинг раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти тўла намоён бўлди, десак хато қилмаймиз. Ҳозирги пайтда «Шохимардонсой» акциядорлик жамиятига айлантирилган бу корхона вилоятда иқтисодий бақувват, ишлаб чиқариш технологияси илғор саноат масканларидан бири ҳисобланади.

АҲМАДАЛИЕВ Азим Камолович

192-Наврўз сайлов округи

Марғилон шаҳри кўчаларидан бирида кекса аёл йиғлаб ўтирарди. Йўловчилардан бири қариядан қайғусининг сабабини сўради. Шунда кампир Д. Султонов кўчасида ўзига қарашли уй бўлганини, бирок бир-икки шахс унинг бир неча йиллардан буён солиқ тўламаётганини рўкач қилиб, кампирни ҳовли-жойидан маҳрум этаётганини арз қилади. Шунда йўловчи момога шаҳар суғурта идорасидаги Азим Аҳмадалиев деган одамга мурожаат қилинса, ўша адолатли инсон, беминнат ёрдам қўлини чўзажагини айтган. Дарҳақиқат, онахон Аҳмадалиевга мурожаат қилгач, уни ҳовли-жойидан маҳрум этиш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Ҳақ жойида қарор топди. Ҳозирда «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Фарғона вилоят бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Азим Камолович ана шундай бир сўзли, адолат учун курашувчан, ваъдасининг устидан чиқадиган одам. У 1965 йил Марғилон шаҳар суғурта идорасига ишга кирганича, ҳозирга қадар ҳам бутун билим ва маҳоратини суғурта ишини ривожлантиришга қаратиб келмоқда. Бу соҳада оддий ходимликдан иш бошлаб, вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимигача босқичларни босиб ўтди. У айни пайтда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг тафтиш комиссияси раиси ҳамдир. Азим Камолович ўз ходимларига суғурта идораларига иши тушиб келган ҳар бир инсонни яхши кутиб олиш, ишини тез ва соз бажаришни қатъий таъкидлайди. Ўзи ҳам шу тартибга доимо амал қилди. Идорасига кирсангиз, қабулхонаси тепасида «Одамларга нафим тегмаган кун, умримнинг беҳуда ўтган кунидир», дея ёзиб қўйилган. Бу Азим Аҳмадалиев ҳаётининг бош шиоридир. У умр бўйи шу мақсад йўлида меҳнат қилиб келяпти.

ИСМОИЛОВ Умаржон Сиддикович

197-Ёзёвон сайлов округи

Изланиш, янгиликка ўчлик Умаржоннинг хислатларидан. 1992 йилда у ўзи раҳбарлик қилаётган «Марказий Фарғона» газетаси таҳририяти қошида ташкил этган «Ижодкор» кичик корхонаси Ёзёвон тадбиркорлигига асос солди, десак лоф бўлмайди. Кичик корхона тез орада тумандаги хўжалик ва ташкилотларга турли матбаа маҳсулотлари тайёрлаб бериб, катта даромад олди. Бу даромаддан туман маркази кўркига кўрк қўшган тижорат дўконлари қурилди ҳамда ҳозир ҳам бу жой гавжум савдо шаҳобчаларидан бўлиб турибди.

Умаржон Исмоилов 1989 йилдан буён вилоятдагина эмас, республикамизда ҳам номи чиққан «Марказий Фарғона» газетасига муҳаррирлик қилиб келмоқда. Газета таҳририяти ҳозирда ўз-ўзини маблағ билан таъминламоқда. Газета ҳафтасига икки марта чиқади. Газетадаги ўткир мақолалар унинг ўқувчилари сонини йилдан-йилга орттириб бормоқда.

— Депутат бўлиб сайлансам, бирор минут ҳам бўш вақтим бўлмаса керак, — дейди Умаржон Исмоилов. — Чунки дастуримга киритган мақсадларим, олдимга қўйган ишларим кўп.

Нима ҳам дердик, омадингизни берсин, Умаржон!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

КАМИЛОВ Райимжан

198-Қува сайлов округи

Райимжан болалигидан техника шайдоси. Мана, салкам чорак асрки, Қува тумани хўжаликлари техника таъминоти, таъмири билан шуғулланиб келади. Фарғона политехника институтини муваффақиятли тугатганидан сўнг, туман қишлоқ хўжалиги техник таъминот тузатиш корхонасида ишлади. Қатор йиллар Қува тумани агросаноат бирлашмаси раиси ўринбосари, капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаб туман қишлоқларида янги мактаб-боғчалар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бинолари, шифохоналар, дала шийпонлари, клублар қуриш, кенгравон йўллар очиш, табиий газ ва ичимлик сув келтиришдай савобли ишларга бош-қош бўлди.

1991 йилдан буён эса Қува тумани машина-трактор парки директори. Корхонада ишлар намунали ташкил этилган. Бу ерга кирган кишининг кўнгли яйрайди. Ҳаммаёқ озода, сарамжон-саришта.

— Саришталик барака келтиради, — дейди у. — Нафақат уй-жой, корхона, балки инсоннинг шахсий ҳаёти, кўнглида ҳам саришталик бўлсин.

Р. Камилов қишлоқ хўжалигини илғор техника билан таъминлаш тарафдори.

ҚАХАРОВ Миршавкат Мурадилович

200-Қувасой сайлов округи

Олий ўқув юртини ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб тугатган одамлар ютади, дейишади. Чунки институт ёки университетнинг кундузги бўлимида таҳсил олиб, сўнг ишлаб чиқаришга келган ёш мутахассис дастлаб назария билан амалиётни уйғунлаштиргунча қийналиши табиий. Бироқ, бевосита ишлаб чиқаришда қатнашиб туриб, айни пайтда олий маълумот олишнинг афзал томонлари албатта бор. Миршавкат Қувасой шаҳридаги 2-автокорхонада жиҳозловчи, ҳайдовчи вазифаларида ишлаб юриб, Тошкент халқ хўжалиги институтини ҳам тугатиб олди. Дипломли иқтисодчи, серғайрат, ташаббускор ёш мутахассис тез орада эл назарига тушди. Икки-уч йил ўз автокорхонасида раҳбар муовини сифатида ишлади. Корхона иқтисодиётини яхшилаш, автоуловларнинг йўловчи ва юк ташиш самарадорлигини ошириш, ишчиларга унумли меҳнат учун зарур шароитлар яратиш бўйича бир қатор ташаббуслар билан чиқди. Корхона иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг ўринли таклифлари билан ҳисса қўшди. Ёш мутахассисда тадбиркорлик, чинакам раҳбарларга хос масъулият ҳисси кучли эди. 1995 йилдан буён у «Қувасойнон» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлиги даврида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланди. Таннархи камайди. Замонавий ишлаб чиқариш ускуналари келтирилиб ишга туширилди.

МАМАЖАНОВ Мамарўзи Комилович

201-Водил сайлов округи

Элнинг дуоси ҳам инсоннинг дилида туғилган эзгу-мақсадларига қанот беради, шуурига куч-ғайрат бахш этади. Фарғона тумани марказий шифохонаси бош ҳакими Мамарўзи Мамажанов ҳам тадбиркор, фидойи инсон сифатида эл эътиборини қозонган. Шоҳимардонда юз берган табиий офат не-не кишиларни қайғу-изтиробга солмади, дейсиз. Ўша кунларда Мамарўзининг ишбилармонлиги қўл келди. Шоҳимардоннинг 45 мингдан зиёд аҳолисига юқумли касалликларга қарши дори-дармонлар мунтазам етказиб берилди, у ерда ишлаш учун малакали врач, ҳамширалар жалб қилинди. Натижада табиий офатдан сўнг болалар орасида учрайдиган юқумли касалликларнинг олди олинди.

Вайронага айланган бу ҳудудда янги барпо этилган «Тараққиёт» қишлоғидаги врачлик пунктининг ишга тушиши ва унинг энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиши ҳам бош ҳакимнинг саъй-ҳаракати туфайлидир. Эндиликда шоҳимардонликлар бу мўъжаз шифо масканида ўз саломатликларини тикламоқдалар.

Унинг ташаббуси билан туманнинг олис қишлоқларида яшовчи аҳоли учун қулайлик яратилди. Чунончи, 14 та тиббиёт муассасаларида кундузги даволаш бўлимлари ташкил этилиб, уларда беморлар учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Водил, Миндон, Чимён шаҳарчаларидаги туғуруқхона комплекслари кенгайтирилди.

— Аслида саломатликдан бебаҳо неъмат йўқ дунёда, — дейди бош ҳаким. — Ана шу йўлда руҳимдаги, вужудимдаги имкониятларни элимга сарфлайман.



ХАЙДАРОВ Миродил Махамаджонович

199-Хўжа-Ҳасан сайлов округи

Қува «Буюк ипак йўли» устида жойлашган кўҳна савдо шаҳри. Шу боисми, қуваликлар табиатан тадбиркор, серғайрат, ишнинг кўзини биладиган одамлар бўлишади. Худди шу юртдан мамлакатимизга машҳур ишбилармонлар етишиб чиққани ҳам бежиз эмас. Миродил Хайдаров шу шаҳарда ўсди. 1978 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатгандан сўнг иқтисодчи сифатида турли корхоналарда ишлади. Ўзининг иш фаолияти давомида ҳисоб-китобга пухталиги, тўғри сўзлиги, фаоллиги билан эътиборга тушди. Эл ишончини қозонган ёш мутахассис сўнгра раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. У айниқса, «Иброҳимбек» савдо ҳиссадорлик жамияти раҳбари бўлиб ишлаган кезлари бу корхона бутун мамлакатга машҳур бўлди. Корхона маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқди. У доимо юртнинг келажаги ёркин, элнинг дастурхони тўкин бўлсин дея елиб-югуради. Шу боис ҳам Миродил элнинг суйган йигитларидан бири. У яхши хонадон соҳиби, тўрт фарзанднинг отаси. Маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг тўй-маъракаларидан сира қолмайди. Устози марҳум Урайимжон Каримов вафотидан сўнг у «Қуваматлуботсавдо» акциядорлик бирлашмасига раҳбарлик қила бошлаган қисқа вақт ичида бу ерда қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, «Акбаробод» қишлоғида паррандачилик фабрикаси қурилиши бошланди. Анчагина одам ишли бўлди. Юрт дастурхонига янада файз кирди.

Миродил Хайдаров изланувчан, узоқни кўзлаб иш юритадиган, халқпарвар инсон.

TOFAEB Маруфжон Тўраевич

202-Хонқиз сайлов округи

Маруфжонни ҳамқишлоқлари омади кулган раис дейишади. Бу гапда жон бор, албатта. Зеро, у 1996 йилдан буён «Фарғона» жамоа хўжалигини бошқараётган бўлса пахта режасини ҳар йили нафақат туманда балки, вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб бажаради. Бу йил ҳам хўжалик аъзолари кузнинг қуёшли кунларидаёқ 344 гектар пахта майдонидан 26,2 ўрнига 33 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Йиллик даромад 45 миллион 210 минг сўмни ташкил этди.

Маруфжоннинг оловли ёшлиги пахта ичида ўтди. У илк бор шу хўжаликка агроном бўлиб ишга келганида билимли, зукколиги билан уста деҳқонларни ҳам лол қолдирди. Ҳосилдорликни ошириш йўлида изланишлар олиб борди.

Хўжалик ерлари дашт-адирликларда жойлашгани боис деҳқончилик қилиш ҳам машаққатли. Бироқ раис пахтачилик, ғаллачиликнинг ҳадисини олган деҳқонларга таяниб иш тутади.

Хўжалик бу йил деҳқон ширкат хўжалигига айлантирилгач, ерлар 485 та оилавий ижарачиларга бўлиб берилди.

Ширкатда барча соҳани бирдек ривожлантириш ўз самарасини беряпти. Давлатга режадагидан 300 тонна кўп, жами 1924 тонна дон сотилди.

Шунингдек, хўжалик аъзолари уруғлик картошка етиштиришнинг миришкорларидир.120 гектар ерга картошка экилиб 1,5 минг тонна ҳосил олинди.

Хўжаликда чорвачилик фойдали тармоққа айлантирилган. 1998 йил 110 тонна сут сотилди.

Маруфжоннинг саъй-ҳаракати билан «Аввал» қишлоғи тўлиқ газлаштирилди. Ҳатто, энг олис «Бегимжонтепа» қишлоқ аҳли ҳам табиий газдан баҳраманд бўлишди.

Материалларни Абдурасул ЖУМАКУЛОВ, Соҳибжон ТЎХТАМУРОДОВ, Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, Алишер ИБОДИНОВ ва Равшан ШОДИЕВлар тайёрлашди.

Ислоҳот ва масъулият

Юксак технология корхона қаддини кўтарди

Яқинда Бухорои Шарифга бордик. Қадимий ва айни пайтда навқирон шаҳар бизни шивалаб ёғаётган ёмғир билан кутиб олди. Лекин тарихий шаҳарнинг одамлари чеҳрасидаги табассум, иликлик ва эртанги кунга ишонч руҳи бизни қувонтирди.

Мақсадимиз «Бухоро ёғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан яқиндан танишиш эди. Корхонага кираверишда бунёд этилган каттагина гузар диққатимизни тортди. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Аввалари қаровсиз бўлиб ётган хиёбон ўрнида сартарошхона ва бошқа маиший хизмат шаҳобчалари — дўконлар, ошхона-ю чойхоналар мажмуи қад ростлаган.

Бундай бунёдкорлик ишларини иқтисодий жиҳатдан бақувват корхонагина амалга ошириши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин «Бухоро ёғ» ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш борасида бирмунча кўзга кўринарли режаларни рўёбга чиқарди. Аслида ушбу корхона қурилишига бундан қарийб 50 йил аввал киришилган эди. Ўшандан буён бу ерда қанча-қанча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига етказиб берилди. Бироқ, эскириб кетган цехларни таъмирлаш, «кучдан» қолган дастгоҳларни янгилаш ҳеч кимнинг эсига келмас эди. Ўз-ўзидан ойлик ва йиллик режалар бажарилмай, ўлда-жўлда қолиб кетган пайтлар бўлган.

Фақатгина мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ушбу корхона ишчи-хизматчилари кўкрагига ҳам шамол тегди. Завод цехларини таъмирлаш, уларни кенгайтириш йўлидаги ишлар бошланди. Айниқса, хорижий сармоядорларни жалб этишга ҳаракат қилинди. Янги чигит лабораторияси, ишчи-хизматчилар учун мўлжалланган янги иш хоналари, ювиниш хонаси фойдаланишга топширилди. Чигит миқдорини аниқ ўлчаш мақсадида 40 тонналик автомобилларни кўтариш қувватига эга бўлган тарозилар ўрнатилди. Заводнинг асосий хомашёси ҳисобланмиш чигитни ёғин-сочинлардан асраш, таркибий хоссаси бузилишининг олдини олиш ҳамда ходимларнинг ишлашига қулай шароитлар яратиб бериш учун чигит омборининг устки қисми профнастиль билан ёпилди.

Кейинги 3 йил ичида заводда амалга оширилган ишлар айниқса диққатга сазовор. Негаки, бу ерда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Чунончи, завод ҳудуди ифлосланишининг олдини олиш ва шелухани тўлиқ ёғсизлантириш мақсадида уни пневмотранспортер орқали узатиш ускунаси ўрнатилди. Чигитни турли чиқиндилардан тозалаш учун янги чигит тозалаш ускунаси (ОХС) жойлаштирилганлиги айни муддао бўлди. Ҳаво тозалаш (Аспирация) тизимлари ишга туширилди.

Айни пайтда ҳиссадорлик жамиятида хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.Бунинг учун асосий хомашё — соупасток етарли. Чигитдан олинадиган ёғни полиэтилен идишларга қадоқлаш цехи ҳам ўз фаолиятини бошлади.

— Биласизми, биз аввалларида фақат пахта чигитидан ёғ олардик, — деди биз билан суҳбатда ҳиссадорлик жамияти раиси Муҳиддин Зайниев. — Зеро заводимиз марказдан бериладиган махсус топшириқларни бажаришга мажбур эди. Тайёр маҳсулотларимиз эса юқорининг кўрсатмаси билан тегишли жойларга жўнатиларди. Ахир, ота-боболаримиз асрлар давомида зиғир ва кунжутдан экологик тоза ёғ олиб ишлатишарди-ку дея ўйга толардим. Мустабид тузум даврида қадимий анъаналаримизга путур етди. Ваҳоланки, дунёда бир қанча экинлардан ёғ олиш йўлга қўйилган бўлиб, технологиялари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Масалан, Туркия, Греция, Исроил, Малайзия ва бошқа мамлакатларда турли экинлардан сифатли ёғ олинмоқда. Кейинги йилларда заводимизда ноанъанавий мойли экинлар ва кунжутдан кўплаб ёғ олишга эришяпмиз. Ана шундай маҳсулот тайёрлайдиган янги цехни ишга туширишга муваффақ бўлдик. Эндиги вазифа ана шу цехни мўл хомашё билан таъминлашда қолди. Америка Қўшма Штатларидан кўплаб соя дони келтирилди. Лекин муаммо бу билан ҳал бўлмаслиги аниқ. Чунки, катта миқдордаги валютага сотиб олинган хомашёни Бухорогача келтиришнинг ўзи бўлмайди. Шуни назарда тутиб харажатларни камайтириш йўлида вилоятимизнинг кўпгина хўжаликларида махсар ва кунжут экилди. 120 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни қайта ишлашга ҳам киришдик.

Ҳиссадорлик жамиятида халқ истеъмоли моллари турларини кўпайтириш ва жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Чунончи, бу ерда яқинда замонавий цех ишга туширилдики, унинг маҳсулотларига ҳамма ҳавас қилмоқда. Польшадан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехда «Бухорои Шариф» маъданли сувлари ишлаб чиқарилмоқда. Худди шу цехнинг ўзида «Янтоқ» яхна ичимлигини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Дарвоқе, шифобахш маҳсулот ишлаб чиқариш яна биттага кўпайди. Қисқа муддатда «Ибн Сино» бальзами тайёрлайдиган цех ишга туширилди. Мазкур бальзам мутахассислар томонидан ўтказилган дегустацияда юксак баҳоланди. Бинобарин, 26 хил тоғ гиёҳларидан тайёрланган бу ичимлик кўпчиликка манзур бўлаётир. Эндиликда «Ибн Сино» бальзамини чиройли идишларда қадоқлаш бўйича бош қотирилмоқда.

Айтмоқчи, Исроилдаги йирик фирмалардан бири билан ҳамкорлик яхши самара беряпти. «БухТел» қўшма корхонасида ўрнатилган автоматик линия соатига 300 килограмм майонезни кичик идишларда қадоқламоқда. Айни пайтда, қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича режалар тузилгани ҳам ҳозирги кунда пахта ёғини дезодорация қилиш, яъни ҳидсизлантириш ва уни идишларга қуйиш цехини барпо этиш йўлидаги ишлар бошлаб юборилди.

Корхона айниқса, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг бу ерда иш янада юришди. Бинобарин, мулк шакли ўзгариши натижасида ишчи ва мутахассислар эгалик ҳиссини тўлиқ англадилар. Майда ўғрилик, ташмачилик ҳолларига барҳам берилди. Лоқайдлик ўрнини ҳаракатчанлик эгаллади. Ишчи-ходимлар ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўла бошлади. Номинал қиймати 200 сўмлик бўлган акциялар одамларга тарқатилди. 122800 сўмлик 614 та имтиёзли акция илғор ишчиларга, фахрийларга берилди. Ўтган йили ҳар бир акция учун 116 сўмдан дивиденд тўланганди.

Агар корхонанинг 1998 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, ўсиш яққол кўзга ташланади. Масалан, режадаги 566 миллион 527 минг сўмлик ўрнига 794 миллион 886 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўрилган соф фойда 52 миллион 576 минг сўмни ташкил этди. Ҳиссадорлар 1999 йилда ҳам баракали меҳнат қилишмоқда. Шу йилнинг 9 ойи натижасига кўра режадаги 554 миллион 117 минг сўмлик ўрнига 659 миллион 382 минг сўмлик кенг истеъмол моллари тайёрланди.

Заводнинг 13 гектарлик ҳудуди ободонлаштирилди. Юзлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Цехларга борадиган барча йўллар асфальтланган, бинолар капитал таъмирланган. Ишчилар махсус кийимлар билан таъминланмоқда.Жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар қилинди. Ойлик иш ҳақи ва мукофотлар ўз вақтида бериб бориляпти. Корхонанинг ёрдамчи хўжалигида 600 дан зиёд қорамол ва қўплаб қўй-қўзилар боқилмоқда. Ишчи-хизматчиларга гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришда муваффақиятни ўз ишининг устаси бўлмиш кадрлар ҳал қилади. Мазкур корхонада эса бундай кишилар талайгина. Амрулло Абдуллаев, Аҳтам Аминов, Валерий Меньшов, Насулло Қулиев, Рустам Мўминов, Бобомурод Пўлатовлар жамиятнинг фахридир.

Хуллас, «Бухоро ёғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси асримизнинг сўнгги йилини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари





Суратларда: ҳиссадорлик жамияти цехларидаги меҳнат жараёнидан айрим лавҳалар.

Орамиздаги одамлар

Шодмонжон дўхтирнинг ширин ташвишлари

Тиббий тизимдаги ислоҳотлар бир қадар оғирроқ кечаётган бугунги кунда фалон жойда тиббий хизмат кўрсатиш намунали, деган гапни дангал айтишга иккиланасан киши. Аммо шу оғир-вазмин силжишлараро шифокорларнинг шахсий намуналари, изланишлари, беморларга нисбатан ўзига хос муносабат кўнгилда журъат уйғотади. Рағбат соғинасан унга. Айниқса, дардига шифо топганлигидан бениҳоя хурсанд бўлиб, дил изҳорини айтаётган кишининг аввалги ва ҳозирги ҳолини ўз кўзинг билан кўриб, кузатиб юрган бўлсанг.

Олқиш олиб ишлаётган оқ халат соҳибларидан бири Чортоқ туман марказий поликлиникасидаги тери-таносил касалликлари бўйича даволовчи ҳаким Шодмонжон Маллабоевдир.

Туман марказидан анча олис қишлоқда истиқомат қилувчи Алибой Қўйчибоновнинг у ҳақидаги фикрлари таъсирли:

— Бир куни туман марказига бораётиб йўловчи машинага чиқдим. Ҳайдовчи ёнидаги киши билан саломатлик ҳақида гаплашиб келишаётган экан. Бир оз юрилгач, у мен томон ўгирилди-да, юзимга разм солиб қаради. Мактабни битирмасимдан юзимга тошган тошмалар чақа боғлаб кетарди. Унинг тикилишидан ўзимни бироз ноқулай сеза бошлаганимни билдими, — Чортоқдаги марказий поликлиникада ишлайман. Вақт топиб албатта учранг, юзингиздагилар тузалиб кетади, — дея ўзини таништирди.

Мен-ку юзимдаги тошмаларнинг тузалиб кетишига сира ишонмасдим. Аммо, унинг эътибори қизиқтирди мени. Ахир қанча-қанча дўхтирлар кўришган мени. Бироқ даво топишолмаган.

Бордим. Дори қўйди, учтўртта укол олган бўлдим, парҳез буюрди. Очиғи, бу муолажаларга ишонқирамадим. Аммо мана, яра чақага ўхшаб кетган тошмаларнинг ўрни ҳам қолгани йўқ. Бировлар-ку бироз, баъзан ўзим ҳам бир чиройли йигит эканману деб қўяман. Ишқилиб қўли дард кўрмасин ўша Шодмонжон Маллабоевнинг. Ҳозир қадрдон бўлиб кетганмиз.

Алибой аканинг ихлос билан тўлиб-тошиб олқишлаши туртки бўлиб Ш. Маллабоев билан учрашдик.

— Кунига 50-60 нафар киши турлича хасталиклар билан мурожаат қилишади. Турлича, дейишимнинг сабаби — аксарият касалликлар дастлаб тери, тирноқ ўзгаришларида, соч тўкилиши, юзга доғ тушиши каби кўринишларда белги беради. Шунинг учун ҳам аввал менга мурожаат қилишади.

Қия очиқ эшикдан беморлар суҳбати эшитилади:

— Кеча автобусда дўхтирни кўрувдим, тирноқларимга кўзи тушиб, «Қонингиз камайиб кетган кўринади. Бир ўтинг, олдини олган яхши» дегандилар,— дейди ёшроқ аёл.

— Ҳа, — дейди навбатда турганларнинг бошқаси. — Дўхтирлар ҳам ҳар хил бўларкан. Бирови атай-путай келиб кўринсангиз ҳам кўпол муомала билан ихлосингизни қайтаради. Бу Маллабоев деганлари қаерда бўлса — йўлдами, бозордами одамга эътибор билан маслаҳат бериб юраркан. Менга ҳам ўзи тайинлаганди. Иши соявирроқдир, десам жа одами кўп экан...

Фурсатдан фойдаланиб мақсадга кўчдим. Алибой Қўйчибоновни эслатдим. У ўйланиб ҳам ўтирмади, дарров эслади.

— Биласизми, — деди у. — Одамлар озгина эътиборга, яхши сўзга ҳамиша муҳтож. Кишилар бир-бирига эътиборли бўлишса, унча-мунча хасталикларнинг олдини олиш осонлашади. Мен шу ҳолатни ўзимга одат қилганман. Шифокор учун энг зарур фазилат ихлос, ишонч қозониш. Бунинг аввалги шарти муомала.

Шодмонжон Маллабоевнинг таъсирли суҳбати узоқ давом этмади. Сабаб уни кутаётганлар кўп эди. Шу важдан суҳбатни чўзиш менга ҳам ноқулай. Шундоқ бўлсада дўхтирдан яна бир саволга жавоб олдим.

— Сизни кўпроқ нима ташвишлантиради?

— Одамлар саломатликларини сақлаш бўйича ўзларида етарли кўникма ҳосил қилишмаяпти. Дейлик асосан болаларда учрайдиган «сув чечак» деган тери тошмаси бор. Буни хонаки усулда, яъни тутилмаган кир совунда, ёки исириқ сувига чўмилтириш билан даволамоқчи бўладилар. Борингки, исириқ суви синалган усул. Лекин бу олдиндан қўлланиладиган эмлаш ҳолос. Тошма тошиб бўлгач, бу усул билан даволаш халқ табобати нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас. Ёки яна бир ҳолат: аёлларимиз сода, совун кукуни каби рухсат этилган кир ювиш воситаларидан кўра қишлоқ шароитида кул ишқорида кир чайишни одат қилишган. Аммо, бу ишқор терига ножўя таъсир қилиши оқибатида сурункали экземани келтириб чиқаришини ўйлаб кўрмайдилар. Бу билан мен бошқаларни айбситмоқчи эмасман. Демоқчиманки, энг аввал биз мутасаддилар тушунтира билишимиз зарур. Организмнинг умумий қуввати етарли бўлса касалликлар камаяди.

Шодмонжон Маллабоев оилада саккиз фарзанднинг тўнғичи. Укалари ҳам унга издош, ҳаммалари шифокор. Ҳаммалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Мақсади муштарак маслакдош. У билан ҳайратланиб қайтарканман навбат кутаётганларнинг олқишлашаётганини эшитдим.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
журналист

Қозоғистон: Катта хавфнинг олди олинди

19 ноябрь куни Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари мамлакатнинг Шарқий Қозоғистон вилояти маъмурий маркази — Уст-Каменогорск шаҳрида 22 кишини ҳибсга олди. Улар мазкур вилоятни Қозоғистондан ажратиб олиб, «Рус ери» давлатига асос солишга уринишда гумон қилинмоқда.

Бу воқеа катта шов-шувга айланиб кетишининг асосий сабабларидан бири ушланганларнинг 12 нафари Россия фуқаролари эканлигидадир. Федерал хавфсизлик хизмати Россиянинг бу ишга умуман алоқаси йўқлигини бир неча бор таъкидлади. Айни пайтда икки мамлакат махсус хизматлари ўзаро ахборот алмашмоқда. Лекин, шундай бўлса-да, шов-шув айнан бу ишга россиялик фуқаролар алоқадорлигига бориб тақаляпти.

Бунинг яна бир сабаби ойдинлашди. Россия матбуотининг ёзишича, Новосибирск шаҳрида нашр этиладиган «Новая Сибир» газетасининг 15 ноябрь сонида «Шарқий Қозоғистондаги давлат тўнтариши» ҳақида мақола чоп этилган ва Қозоғистон махсус хизмати ана шу восита орқали исёнчиларни фош этган. Мақолани тайёрлашда газета исёнчилар гуруҳининг уч аъзоси берган маълумотларга таянган. «Новая Сибир» муҳаррири Вячеслав Досичевнинг айтишича, таҳририятга учта йигит келиб, Шарқий Қозоғистонда одамларни гаровга олиш ва террорчилик ҳаракатлари содир этишга ҳозирлик кўраётган махфий тўда ҳақида сўзлаб берган. Ўзларини Сергей, Николай ва Евгений деб таништирган бу шахслар хизмати эвазига 1100 рубл сўраган. Эмишки, гуруҳ раҳбарлари уларни Шарқий Қозоғистонга жўнатган, лекин йигитлар ярим йўлда ниятидан қайтган. Йўлкира эса фақат бир томон учун берилган экан. Москвага қайтиб кетиш учун улар сирни фош қилишга қарор қилган.

Маълумотларга кўра, ўзини Бош разведка бошқармасининг истеъфодаги полковниги деб таништирган Виктор Пугачёв Москвада 15 кишидан иборат жанговар гуруҳ тузган. Гуруҳ аъзоларининг барчаси «оловли нуқта»ларда тажриба орттирган экан. В. Пугачёв уларга бир неча йил мобайнида Европа мамлакатларида жосуслик қилганини айтган, бунинг исботи сифатида айрим давлатларда тушган фотосуратларни кўрсатган. Бу суратлар орасида у Бенито Муссолининнинг набираси, машҳур хонанда Алессандра билан тушгани ҳам бор. Табиийки, ёшлар унинг найранггига осонгина илинган.

Новосибирсккача келгач ёмон ниятидан воз кечган йигитлар қандай тўдага аралашиб қолганини вақтида тушунгани боис, «Новая Сибир» таҳририятига ўзларининг Москвадаги манзилларини ҳам ташлаб кетган. Газета ходимлари бу маълумотни Федерал хавфсизлик хизматининг маҳаллий бошқармасига тақдим этди.

Қозоғистонга келсак, ҳозирча расмий доиралар воқеани изоҳламаяпти. Исёнчилар ушланган пайтда давлат раҳбари Мўғулистонда эди. Ҳозир — Хитойда. У ҳамма гапни сафардан қайтганидан кейин айтишини маълум қилди. Қозоғистондан келаётган хабарларга қараганда, ҳозир бу жиноий иш бўйича барча ҳужжат ва маълумотлар Миллий хавфсизлик қўмитасидан ташқарига чиқмаяпти. Текширувлар давом этяпти. Вазият тўла ойдинлашгандагина, бирор жўяли фикр билдириш мумкин.

Шарқий Қозоғистон вилояти 1932 йил 10 март куни тузилган. Майдони 283,3 квадрат километр. Маъмурий маркази — Уст-Каменогорск шаҳри. Вилоятда 1,5 миллиондан кўпроқ одам истиқомат қилади. Уларнинг 50 фоизини руслар, 48,5 фоизини қозоқлар ташкил қилади. Қолган аҳоли украин, белорус, татар, мордва, чуваш ва бошқа миллатларга мансуб. Вилоят 11 туманга бўлинган. Маъмурий марказдан ташқари яна бешта шаҳар бор. Шарқий Қозоғистон замини нодир металларга бой. Бу ерда титан, бериллий, тантал, олтин, мис, кўрғошин ва хром қазиб олинади. Шу боис, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи рангли металлургиядир. Бу соҳада иш юритадиган ўндан ортиқ корхона мавжуд. Шарқий Қозоғистонда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳаси ҳам яхши ривожланган. Вилоят саноати анча тараққий этгани боис, маҳаллий аҳолининг топиш-тутиши анча яхши, ишсизлик даражаси жуда паст. Бундан ташқари, дунёдаги энг йирик ядровий синов майдонларидан бири ҳисобланган Семипалатинск полигони ҳам айнан шу вилоят ҳудудида жойлашган. 1948 йилдан 1991 йилгача қадар бу ерда 500дан ортиқ ядровий порт-лаш содир этилган.

Мана шу омилларни ҳисобга олсак, Виктор Пугачёв анча узоқни кўзлаб иш қилгани аён бўлади. Қозоғистон расмий доиралари бунга «майда жиноят» сифатида қараётган бўлса-да, аслида бу гуруҳ ниятининг замирида, ҳақиқатан ҳам, Шарқий Қозоғистон ўрнида «Рус ери» тузиш мақсади ётганга ўхшайди. Вилоят маъмурияти, ички ишлар ва хавфсизлик қўмитаси бошқармаларини эгаллаб олиб, сўнгра катта исён кўтармоқчи бўлган бу тўда Президент Н. Назарбоевнинг хорижга сафарга чиқишини кутиб юрган бўлса ажаб эмас. Яхшики, балонинг олди вақтида олинди. Йўқса, вилоятда давлат тўнтариши бўлмаса-да, қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкин эди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Фавқулодда тартиб давом этади

Туркия парламенти ҳукуматни мамлакат жануби-шарқидаги беш вилоятда фавқулодда ҳолат тартибини яна тўрт ойга узайтириш қарорини қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, Диёрбақир, Ҳакёри, Ширноқ, Тунжали ва Ван вилоятларида фавқулодда тартиб давом этади. Сирт вилоятидагина бу тартиб бекор қилинди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Фавқулодда ҳолат тартиби 1987 йилда Туркиянинг дастлаб 13 вилоятида жорий қилинганди. Бунга Туркиядаги Курд ишчи партияси тарафдорларининг муросасизлиги ва шу туфайли келиб чиқаётган тартибсизликларнинг кўпайиб кетгани сабаб бўлган эди.

Халқаро анжуман ўз ишини бошлади

Франция Болқон муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда ушбу минтақа муаммолари билан шуғулланаётган ўнга яқин мутахассис ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, анжуманда серб муҳолифати ва косоволик албанлар раҳбарлари ҳам қатнашиши кутилмоқда. Тадбирда Болқон минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Янги вакил

Германиялик дипломат Дитер Боден БМТнинг Грузиядаги янги махсус вакили этиб тайинланди. У илгари ҒФРнинг Санкт-Петербургдаги бош консули лавозимида ишлаган эди. Д.Боден, асосан, Абхазия муаммосини тинч йўл билан бартараф қилиш ҳамда қарама-қарши гуруҳлар ўртасида музокаралар ўтказиш борасида воситачилик қилиш билан шуғулланади.

БМТ миссияси Грузияга 1994 йилда, яъни Абхазия можароси якун топгандан сўнг, ўзаро ўт очишни тўхтатиш ҳақида келишувни назорат қилиш мақсадида киритилган эди.

Бўлажак сафарлар

6-8 декабрь кунлари Украина Президенти Леонид Кучманинг Москва, Париж ва Вашингтонга сафари бўлиб ўтади. Бу Л.Кучманинг Украина Президенти лавозимига қайта сайланганидан кейинги илк сафаридир.

Л.Кучма Россия ва Францияга ташрифи чоғида ушбу мамлакатлар президентлари Борис Ельцин ҳамда Жак Ширак билан учрашувлар ўтказади. Учрашувларда ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Шунингдек, Л.Кучма Вашингтонда Украина билан АҚШ ўртасида тузилган давлатлараро ҳамкорлик бўйича «Кучма-Гор» комиссияси йиғилишида иштирок этади. Унда икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорлик дастурини ижро этиш жараёни кўриб чиқилади.

Беш давлатда бўлиб қайтди

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Европага ўн кунлик сафари ниҳоясига етди. У дастлаб Туркияда бўлиб, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитида иштирок этган эди. Сўнгра расмий ташриф билан Грецияга борди. АҚШ Президенти Италия ва Болгарияда ҳам бўлиб, ушбу мамлакатлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Унинг Европага сафари Косово билан якунланди ва бу ерда Б.Клинтон халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида хизмат қилаётган америкалик ҳарбийлар билан учрашди.

(ЎзА)

Солиқ маданиятини шакллантириш йўлида

Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси, унинг туманлардаги идоралари республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан бюджетга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишига боғлиқлигини чуқур англаган ҳолда фаолият юритишмоқда. Жорий йилнинг 9 ойлик режасини 101,8 фоиз уддалаб, режадаги 15 миллиард 22 миллион ўрнига 15 миллиард 317 миллион сўм миқдорида солиқ тўлови давлат бюджетига туширилди. Бу режадагидан 265 миллион сўм кўп демакдир. Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойида ташкилотларнинг бюджетдан қарздорлигини камайтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Натижада 1 октябрь ҳолатига келиб ташкилотларнинг бюджетдан қарздорлиги 646599,5 минг сўмни ташкил этди, яъни бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 169501,0 минг сўмга камайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш» ҳақидаги қарорига мувофиқ ўтган 9 ой давомида 1211 та корхона ва ташкилотга 2456,6 миллион сўмлик қарзларини тўлаш бўйича талабномалар берилди. Улардан 931 таси бюджетдаги қарзларини белгиланган вақтда тўлади. Аммо қарзларини тўлай олмаган 130 та корхона мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш учун хўжалик судига берилди ва 120 та корхона тўғрисида хўжалик судининг буйруқлари чиқди. Ҳозиргача 71 та корхонанинг мол-мулки сотилиб, маблағ уларнинг бюджет олдидаги қарзини қоплашга йўналтирилди.

Солиқ бошқармаси томонидан корхона ва ташкилотларнинг бюджетдаги қарзларини, керак бўлса, уларнинг мол-мулки орқали ундириб олишдан мақсад, хўжалик раҳбарларининг бюджет олдидаги масъулиятларини оширишга қаратилгандир.

— Вилоятдаги корхоналар ва ташкилотларнинг инқирозга юз тутмаслиги, одамларнинг ишсиз қолмаслиги учун маҳаллий ҳокимликларнинг эътиборини айнан шу масалага қаратиб, корхоналарнинг таназзулдан чиқиб кетиш чора-тадбирларини кўриб келмоқдамиз,—дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Жўлибеков.

Шу ўринда ўз вазифаларини муваффақиятли уддалаётган Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва Қизилтепа, Навоий, Конимех туман солиқ инспекциялари ходимларининг хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Вилоятда бугунги кунда минг бир имкониятни ишга солаётган, ўзининг жамоасини молиявий барқарорлик сари етаклаётган кўплаб меҳнат жамоалари бор. Буларга, Навоий кон металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилқумцемент», Навоий вилоят электр тармоқлари корхонаси, «Навоийгаз» бошқармаси сингари корхоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва Навоий шаҳар туман ДСИлари ходимлари томонидан жорий йилнинг 9 ойида 2107 та корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, 1374 та қонунбузиш ҳоллари аниқланди ва жами солиқ тўловларини жарима билан қўшиб ҳисоблаганда 882,6 миллион сўм қўшимча солиқ ундирилди. Солиқ қонунчилигига риоя қилмаган 1827 нафар мансабдор шахсдан 11,4 миллион сўм жарима ундирилди. Бундан ташқари жиноят аломатлари мавжуд 175 та материал солиқ идоралари суриштирувчилари томонидан аниқланиб, улар юзасидан 89 та жиноят иши қўзғатилди. 43 та материал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим қилинди ва улар томонидан эса 35 та жиноий иш қўзғатилди. Бу ишлар солиқчиларнинг қонунбузарликларга қарши кескин кураш олиб боришаётганидан далолатдир.

Дарвоқе, ривожланган хорижий давлатларда солиқ тўлаш фуқароларнинг ижтимоий маданиятининг муҳим белгиси ҳисобланади. Солиқларни ўз вақтида тўлаш, улар турмуш тарзини тақозо этади.

Вилоятда солиқ интизомини вужудга келтириш ҳамда ҳуқуқий шахсларда солиқ маданиятини шакллантириш мақсадида ўтган йили ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида «Энг яхши солиқ тўловчи» танлови ўтказилди. Танлов натижаларига кўра, Зарафшон шаҳридаги «Заргарлик» буюмлари заводи «Энг яхши солиқ тўловчи» деган номга сазовор бўлди. Шунингдек, «Энг қолоқ тўловчи» деган «қора тамға» эса Навоий шаҳридаги 34-автокорхонанинг «бўйнига» осиб қўйилди. Бу тадбир солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини онгли тушунишига, бу борадаги масъулиятини оширишга ёрдам бермоқда. Эндиги танловни йил якуни натижалари бўйича ўтказиш мўлжалланган. Айни пайтда вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти солиқ идоралари ходимларининг касб малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларига ҳам катта аҳамият бермоқда. Масалан, 1998 йилда 7 нафар ходим турар жой билан таъминланди. 73 нафар ходимнинг ҳар бирига 30 мингдан 50 минг сўмгача фоизсиз ссуда ажратилди. Бунга жавобан Иброҳим Дузенов, Мардон Жобборов, Қайрат Алдаберганов, Шермуҳаммад Мингбоев, Дилрабо Чўлиева, Валентина Кравцова, Баҳодир Содиқов, Бауржон Тойимбетов сингари ўнлаб ходимлар хизмат бурчини ҳалол уддалаб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Вилоят бўйича ҳозирга қадар 7542 тадбиркор рўйхатга олинган, бу ўтган 8 ой давомида рўйхатга олинганидан 241 нафар кўпдир. Солиқ идоралари ходимлари томонидан жойларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олиш ва уларни солиққа тортиш борасида ишлар маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётганлиги ундириладиган солиқларнинг салмоғини кўтармоқда.

Солиқ тўловчиларнинг солиқлари борасидаги савол ва мурожаатларига ўз вақтида тўғри ва асосли жавоб қайтариш, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб солиқ қонунбузарликларининг олдини олиш мақсадида биринчилардан бўлиб вилоятда алоҳида канал—«062» рақамли «Ишонч» телефони ишга туширилган. Кўплаб солиқ қонунбузарликлари ана шу телефон орқали қабул қилинган сигналлар ёрдамида аниқланмоқда ва керакли чоралар кўрилмоқда. Дарвоқе, солиқ қонунчилиги тарғиботи солиқ тизими идоралари фаолиятининг муҳим бир қиррасидир.

Бинобарин, солиқ интизомининг тўғри йўлга қўйилиши давлатимиз ва фуқароларимиз манфаати учундир. Зеро, республикамизда маориф, тиббиёт, маданият, қуролли кучларимиз қудратини ривожлантириш билан бирга, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини яхшилашга солиқчилар томонидан йиғилаётган маблағ хизмат қилади. Модомики, шундай экан, ҳар қандай давлатнинг ҳазинаси йиғилаётган солиқларнинг салмоғига боғлиқ.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
Навоий вилояти.

Ҳазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади

— дейди, «Мебель» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Қаюмжон Зоҳидов

... Иззат-икром меҳнатга қараб, — деб халқимиз топиб айтган.

«Мебель» акциядорлик жамияти жамоасининг меҳнати ҳам айни шу иззат-икромга лойиқдир.

Дарвоқе, мамлакатимизда уйжой қурилиши юксак суръатларда кетмоқда. Бу — ҳовли тўйлари тобора кўпаяди, бежирим мебелларга бўлган талаб янада ортади, демакдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда харидорларни жаҳон андозасидан қолишмайдиган жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида «Мебель» акциядорлик жамиятида мебель турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг намуналари билан танишамиз. «Яратувчанликни Яратганнинг ўзи ҳам суяди», деганларидек, инсон қўлининг гул эканлигининг ҳақиқий ҳосиласини мана шу ерда кўрамиз. «Наргиз» мебель термасининг бир неча тури «Наврўз — 12» «Ҳумо», «Марҳамат», «Биллур» термаларининг бир-бирига ўхшамаслигини кўриб кўзимиз қувонади. Чунки, бу маҳсулотлар жаҳон андозалари даражасида бўлиб, пишиқ ёғочлардан сифатли тайёрланмоқда. Бундай мебелларга ҳозирда талаб ортса ортмоқдаки, камаймаяпти.

— Бунинг сири, аввало касбга меҳр билан ёндошиб ишлаганликда. — дейди жамият раиси Қ. Зоҳидов. — Мабодо ишга ҳам совуққонлик билан қўл урилса ундан ҳеч қачон наф кўрилмайди. Мен корхонада 22 йилдан буён меҳнат қиламан. Илк ишга келган кезларим ҳалиям кечагидек ёдимда.

70-йиллар фақат давлат идоралари учун столлар тайёрлаб берадиган корхонамизда кейинчалик буюртма асосида мебеллар тўпламини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги очилган тажриба-буюртма цехида «Шухрат« мебель термасини тайёрлашга эришдик ва бу янгилик корхонага шуҳрат келтирди. «Марҳамат», сўнгра «Наврўз» термалари вужудга келди. Ҳозирда «Наврўз»нинг 12 тури ишлаб чиқаришга жорий этилган. Корхонамиз аҳолининг уйрўзғор буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ҳозирги кунда жамоамизда 450 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Дастлабки кунларда 4-5 хил маҳсулот тури ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 20 дан ошди.

— Биласизми, ишлаб чиқараётган мебелларимизнинг бир-биридан фарқи, бир-бирига ўхшамаслиги — уларнинг ўлчамлари, ранги ва жило учун ўрнатиладиган фурнитураларнинг турлича эканлигидадир, — тушунтиради раис. Олдинлари ишлаб чиқарадиган мебелларимиз аҳоли томонидан буюртма асосида бўларди. Эндиликда замонавий идоралар учун мебель термаларини яратаяпмиз. Мазкур мебелларни тайёрлаш ишлари корхонамиздаги мавжуд хориждан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Сифатига тўла кафолат бор.

Ҳақиқатан ҳам, ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган мебеллар бугунда нафақат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Маҳсулотларнинг барчаси сифат сертификатига эга бўлиб, улардан олтитаси патентланган. Тайёрланаётган мебелларнинг асосий харидорлари эса «Ўзбексавдо» ҳамда «Ўзбекматлуботсавдо» уюшмаларининг дўконлари, қолаверса республикамиздаги нуфузли идоралар ва турли фирмалардир. Жамиятда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида истеъмолчилар билан 608 та шартнома имзоланиб, умумий суммаси 712 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан 627,9 миллион сўмлиги истеъмолчиларга жўнатилди. Кундалик эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини назарда тутган жамоа аъзолари ишлаб чиқариш самарадорлигини бир неча бор оширишга муваффақ бўлишди. Бу режага эришиш эса ўз навбатида улардан юксак унум ва шижоатни талаб қилади, албатта. «Наргиз», «Биллур»,«Ҳумо» каби мебель термаларига бўлган талаб ҳам кундан-кунга ортмоқда. Харидорлар талабини қондириш мақсадида жамиятнинг Сирғали деҳқон бозори ҳудудида фирма дўкони очилган бўлиб, маҳсулотнинг маълум қисми истеъмолчиларга ушбу дўкон орқали сотилмоқда. Бундан ташқари, дўконга корхонада ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги мебель турларининг намуналари қўйилиб, харидорлар талаби ўрганилади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади.

— Корхонада тайёрланаётган мебелларнинг нархи қанақа?— савол бераман раисга.

— Бозор иқтисодиёти жамоамиз олдига бир қанча масалаларни кўндаланг қилиб қўяётганлигига қарамай, ўтган йилда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини сусайтирмадик. Ички имкониятларимизни ишга солиб, бир қанча мебель турларини ишлаб чиқардик. Ҳозирда уларнинг баҳоси турига, ўлчамига қараб, 120 мингдан 450 минг сўмгача боради. Халқнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотни етказиб бериш вазифаси ишлаб чиқариш тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходимдан алоҳида масъулият талаб этар-кан, аввало ҳар бир ишчи ва ходимнинг, муҳандис-техникнинг ўз ишига виждонан ёндошишига, сўз ва иш бирлигига қатъий амал қилишига, хомашё, технологик жиҳозлар ва ишчи кучи салоҳиятидан ўз ўрнида фойдаланишига кўпроқ боғлиқ деб ўйлайман. Қолаверса, ишчи- хизматчиларнинг келажакка ишончини уйғотиш, меҳнат интизомини яхшилаш, технологик жиҳозларни янгилаш ҳамда иш ҳақини ошириш уларда меҳнатга муносабатни ўзгартиради.

— Хизмат юзасидан хорижий давлатларда ҳам бўлиб турасизми?

— Ҳа, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён кўплар қатори, биз мебелсозлар учун ҳам хорижий давлатларга боришга имкониятлар яратилмоқда. Ўтган йили иш юзасидан Швецияда бўлиб қайтдик. У ерда бир ҳафта мобайнида шпон ишлаб чиқариш компанияси иши билан атрофлича танишдик. Мазкур компания мебель корхоналари учун ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бериш бўйича дунёда етакчи ўринларда туришининг гувоҳи бўлдик. Улардаги ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни корхонамизда ҳам йўлга қўйишни кўзлаяпмиз. Биласизми, ўшанда жуда қизиқ бир ҳолатни кузатгандим. Бу йирик компанияга ҳали бирорта ҳам шарқ давлатларидан буюртмачи бўлиб боришмаган экан. Ўзимизни Ўзбекистондан эканлигимизни англатгач, музокара жараёнида байроғимизни стол устига олиб келиб қўйишди. Шу ҳолатнинг ўзигина менинг қалбимда истиқлол, мустақиллик неъмати нақадар азизлигини намоён этди. Ўша вақтдаги ҳис-ҳаяжон, Ватанимга бўлган меҳр-муҳаббат туғёни юрагимда шу қадар мавж урдики, уни таърифлашга эса сўз тополмайман.

— Жамият ишчи хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Балиқ — сув билан тирик. Шундай экан жамоамизнинг ҳар бир аъзосини эъзозлашни, ҳурматини жойга қўйишни бош вазифа, деб биламан. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга баҳолиқудрат ёрдам уюштираяпмиз. Корхонамизда 450 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилишини ҳисобга олсак, манфаатдорлик ишимизда асосий мезон. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 12-15 минг сўм. Рағбат эса ўз-ўзидан равшанки, ютуқларга йўл очади. Ва шундай бўлди. Жорий йилнинг 9 ойида 43 миллион 789 минг сўм соф фойда олинди. Сотилган маҳсулотларнинг сифати хусусида эътирозлар бўлмади. Жамиятда баракали меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда корхонамиз қошида соғломлаштириш комплекси, маданий дам олиш масканлари, маиший тармоқлар фаолият кўрсатмоқда. Қарс икки қўлдан чиққани каби корхонамиз хизматчилари ғамхўрликка жавобан, савдо тармоқларига кўплаб халқ истеъмоли буюмлари етказиб бериш йўлида тинмай изланмоқдалар. Хуллас, хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан, деб шуни айтсалар керак-да!

— Ҳар бир инсон не-не орзулар билан яшайди. Ҳалол меҳнатим юзага чиқса, одамлардан фақат яхши гап эшитсам дея орзу қилади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони соҳиби сифатида буни қандай изоҳлайсиз?

— Халқимизда эл-юрт юмушлари билан банд фидойи инсонлар ҳамиша қадрланиб келинган. Улар халқи фаровон, тўқ яшашларини хуш кўради, кези келганда уларга наф келтира олади.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» деган фахрли ном битта менга эмас, бутун корхонамизга берилган унвон. Устозларим Алижон ака Қирғизбоев ва Тўра Аҳмедовларнинг маслаҳати ва насиҳати билан кам бўлаётганим йўқ. Ҳалиям эсимда, корхонага илк ишга келганимда Алижон ака қўлимдан ушлаб «Қаюмбой ука, ҳали ёш экансиз, соҳа сирларини эгаллашда кўп тер тўкишингизга тўғри келади» дегани. Бир сўзлиликни, талабчанликни, муомала маданиятини, шу кишидан ўргандим. Шогирдларим Султонмурод Ғаниев, Олимжон Шомахсудовлар ҳам сифатли мебеллар ишлаб чиқариш йўлида изланишмоқда.

— Келажакда республикамиз мебель саноати ривожини нималарда кўрасиз?

— Бу Ватан ота-боболаримиз маскани. Унинг садоқатли, фидоий ўғлони бўлиш эса шарафдир. Айниқса, халқимиз болажон. Шу боисдан ҳам кўплаб уй-жойлар бунёд этилмоқда. Уларнинг бу борада корига яраётган ташкилот ва корхоналарнинг ибратли ишларини кенг оммалаштиришимиз керакка ўхшайди. Мебель саноатининг ривожи эса бевосита хомашёга келиб тақалади. Шундай экан, эндиликда мавжуд имкониятларни ишга солиш керак. Шундагина республикамизда қурилиш материалларидан ёғоч-тахта, қоғоз ва бошқа маҳсулотларга бўлган талаб эҳтиёжнинг анча қисми қондирилиши, мебель саноати ҳамда юзлаб истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши таъминланади. Ва, келажакда катта даромад манбаига айланадиган ёғочсозлик саноати вужудга келади. Қадимда ота-боболаримиз ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёғочларни олис-олислардан ташиб келтирмаганлар. Ҳаммаси ўз тупроғимизда етиштирилган терак, тут, ёнғоқ, қайрағочлардан тайёрланган. Чунки, бу дарахт турлари ўзга юртлардан келтириладиган ёғочларга нисбатан қаттиқлиги, чидамлилиги, силлиқлиги билан ажралиб туради. Биз бўлсак, мебелсозликда қўл келадиган «ДСП», «ДВП» русумли маҳсулотларни Россиянинг саноат корхоналаридан ташиб келтириб, тайёр мебеллар тўпламини яратмоқдамиз. Бу масалада Давлат ўрмон қўмитаси билан шерикликни жиддий йўлга қўйиб, бу матоҳларни ўзимизда тайёрлашнинг мавриди келди.

Хуллас, «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тизимида фаолият юритаётган корхоналарнинг бугунги кундаги мақсади — сифатли маҳсулот тайёрлаб, республикамиз ички бозорини тўлдириш, қолаверса ортганини хорижга сотишдан иборатдир.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар







Шеър ва шуур

Шеърият ажиб бир чаман

Гулрух шу чаманга ўз бўйи билан кириб келяпти. Мисраларидаги самимият, ҳурлик эпкинлари эртанги қунга мунаввар нигоҳ ила қараши сезилиб туради. Ёш ижодкорнинг, айниқса, образли қиёсламалари ихлосмандларни беихтиёр ўйлашга ундайди.

Гулрухнинг ижоди шеъриятга шунчаки ҳавас ёхуд машқлар эмас. Борлиқни теран англашга, идрок этишга бўлган кучли интилиш мевасидир.

Имон-эътиқоднинг тиларкан йўлин
Шунчалар ҳокисор, шунчалар мўмин...
Таъзим-ла кўксига қўйиб қўш қўлин,
Ўзбегим осмондай кенг этар кўнглин...

Хасаду ғийбатни унутиб абад,
Доимо ҳақ йўлида боради тикка.
Гўдакни қувнатиб, кексани асраб,
Ўзбек кўтарилар мангуга, кўкка.

...Ўзимиз силайлик ўз бошимизни,
Оқибатни биздан ўргансин ўзга.
Бекорга тўкмайлик кўз ёшимизни,
Шукрона қилайлик бор нону-тузга.

Ҳаётимиз порлаб — келар саодат
Асрасин ўзбекни тангрининг ўзи
Қалбим айтган сўзларидан мадад,
Ўзбекни сақлагай ўзбекнинг ўзи.

✧

Тўкин фасл... тилла куз,
Ўлкамда кезиб юрар.
Ҳосилин қилиб кўз-кўз,
Ранглар кўнгилга тўлар

Дарахтнинг кўзида ёш
Бир-бир тўкилар япроқ.
Олислаб борар қуёш,
Ой чиқар мисли ўроқ.

Қизнинг нозик ибосин,
Кўкка кўтариб ҳар вақт.
Қизғиш, сариқ либосин
Киймиш она табиат.

Куз тарайди сочини
Она ерга кўрк бериб —
Шоир илҳом шивирин
Олмоқда ердан териб.

✧

Озод ўлкам, жон ўлкам —
Ўзбекнинг шон шарафи
Мардона қадам ташлаб
Шуҳратинг турсин
янграб...
Бағринг тўла ўғил қиз.
Куч-қудратинг уларда
Гуллар сочиб бағрингга
Яшнагаймиз жаҳонда.
Навқирон ёш муборак
Муборак бўлсин тўйинг,
Кўп йиллар-ла то абад.

Номинг порлаб
туражак...
Ўзбек халқим меҳмондўст
Кенг қулоч, қалбинг очгин
Зав-шавқ билан
сен томон
Улуғ бахтли
кунлар келмоқда.
Ўзбекистон — она юрт
Кенг Водийларинг гўзал
Ҳудойимга минг шукур
Шу кунларга етказган.

✧

Учиб олислардан сен
Келасан Дунё кезиб
Бошима қўнмайин сен
Кетасан мендан кечиб,
Тилга кириб сўзлагин
Гуноҳим нима-нима
Бундай ҳаёт кўргандан
Жоним тарк айламасин-а,
Ғунча гул умрим менинг
Кетиб қайтиб келмас у
Худойим йўлимни бер
Иқбол қуши тўхтаб тур.

✧

Умид гули очилур
Беғубор кўк осмонга
Маржон юлдуз сочилур
Ёш ниҳол юрагида
Умид гули очилур.
Орзу қилиб интиқиб,
Кутган кунларим келур.
Севги тўла қалбида
Умид гули очилур,
Гулингни сақлагин ёр
Гўзал куп бўлиб келур,
Сен ишон азиз ёрим
Умид гули очилур,
Бахтинг чўлпондек чақнаб,
Аждодлар сочади нур
Бирга бўлса кўнгиллар
Умид гули очилур.

Гулрух САИДМАҲМУД қизи,
Тошкент юридик коллежи талабаси.

Таълим ва ислоҳот

Мен мутахассисман...

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг талабалари шундай дейишмоқда

Бир қараганда бу мақтанишга ҳам ўхшайди. Аслида-чи? Бозор иқтисодиёти шароитини кузатадиган бўлсак, ҳар бир соҳада етук мутахассис кадрларнинг ўрни беиҳоя катта эканлигини кўрамиз. Сабаби, кескин рақобатга асосланган тизим ўз соҳасини чуқур биладиган билимли кишиларсиз ҳаракатлана олмайди. Иккинчи томондан бундай шароитда ўз соҳасини яхши билмаслик ўз нонини бировга бериб қўйиш билан баробардир. Шу ўринда «Мен мутахассисман», дейиш мақтанишга кирмайди. Аксинча, ишончлилик, тараққиётга мойиллик белгисидир.

Университетда «Молия ва солиқлар» кафедраси кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Мустақиллик йилларида у қайта ташкил этилди. Шунинг баробарида кафедра тизими, йўналиш ва дастурлари ҳам ўзгарди. Ҳаммаси истиқлолга ҳамоҳанг тарзда. Натижада университетдаги бошқа кафедралар ичида анча юқори салоҳиятга эга бўлди. Айтмоқчи бўлганимиз, худди шу кафедрада таҳсил олаётган талабалар ўқишда ва ишда ҳаммага ўрнак бўлишмоқда.

— Кафедрада амалга оширилаётган ишлар бизни ҳар томонлама қувонтиради, — дейди 3-курс талабаси, Д. Набиева. — Янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа чоп этилаётган илмий-тадқиқот нашрлари сифатли ва бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кафедрада таҳсил олган магистратура тингловчилари ҳозирда республика миқёсида масъул вазифаларда ишлаб келмоқда. Талабалардан С. Саидқосимова, Д. Набиева, А. Суфиев ва бошқалар республика миқёсида ўтказилаётган илмий-амалий тадбирларда яхши қатнашиб келмоқда. Шу ўринда савол туғилади. «Молия ва солиқлар» кафедрасининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Бу ҳақда кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор О. Жуманов шундай дейди: — етук мутахассислар тайёрлаш, уларга ҳар томонлама иқтисодий билим бериш, қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, тегишли фанлар бўйича ўқув-услубий модуллар тайёрлаш, янги дарслик, қўлланмалар ва услубий ишларни мукаммаллаштириш кафедрамизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу билан биргаликда кафедранинг халқаро алоқаларини кенгайтириш, хориждаги таълим масканлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режаси ҳам кўзда тутилган.

Ҳамдўстлик мамлакатларидан Москва, Санкт-Петербург, Киев, Алмати, Бишкек, Минскдаги академия, университет ва институтлар билан молия ва солиқ соҳаси бўйича, шунингдек бевосита амалиёт бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия банк академияси, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожлантириш институти ва Европанинг бир қанча университетлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Кафедра мудири и.ф.д. профессор Олимжон Жумановнинг саъй-ҳаракатлари билан шу соҳага тегишли чет эл адабиётларини таржима қилиш ишлари бажариляпти.

Кафедрада икки йўналиш — «Молия» ҳамда «Солиқ ва солиқларга тортиш» йўналишлари бўйича бакалаврлар, «Давлат молиясини бошқариш», «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишлари бўйича магистрлар тайёрланади. Кафедрада ишлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ равишда олиб борилмоқда. Асосий мақсад шу соҳада етук мутахассисларни тарбиялашдир. Ҳозирданоқ умид учқунлари кўрина бошлади.

Бахтиёр ҲАМИДОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: «Молия ва солиқлар» кафедраси ўқитувчилари ўқув жараёнини яхшилаш тўғрисида фикрлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Ўзбек феъли

Саломлашиш урф-одатлари

21. Биринчи марта кўришган, нотаниш кишининг исми ва фамилиясини, наслини сўраб қўйиш ва танишиш одоб-ахлоқликдан далолат беради. Чунки, «бир кўрган таниш, икки кўрган қариндош» дейдилар.

22. Узоқ масофадан келган киши сизга: «Фалончи киши сизга дуои салом айтдилар», деб бирор кишидан салом олиб келса, у киши дуои саломни қабул қилиб: «Ва аълайҳис саллом» (унга ҳам Оллоҳнинг саломи бўлсин), ёки Худо сўрасин!» деб жавоб билдирганлар.

23. Одатимизга кўра таъзияхонада, бемор ётган хонада, ҳожатхонада, ҳаммомда, намоз ўқиётган пайтда, овқат чайнаётганда саломлашмайдилар.

24. Аёллар таъзияхонада қучоқлашиб, ўпишиб кўришмайдилар. Шариатда аёлларни таъзияга бориши ман қилинган.

25. Таом еб турган кишига, агар таом оғзида бўлса, салом берилмагай ва агар таом оғзида бўлмаса, салом жоиз ва жавоби лозим бўлган.

26. Тўй-маъракаларда, меҳмончиликда таом емоқ мақсадида қўл ювилгандан сўнг ҳозир бўлганлар билан қўл бериб кўришмайдилар, фақат таом еб бўлингандан сўнг раволигини билганлар. Бунгача қўлларини кўксига қўйиб ҳол-аҳвол сўрашганлар, холос.

Никоҳ урф-одатлари

Никоҳ — инсон умрининг энг гуллаган они. Никоҳ — дарёдай қирғоғига сиғмай оқаётган икки дилнинг қовушган дами. Никоҳ — булбулнинг гулга, гулнинг булбулга етишган тонгги. Никоҳга ғубор, доғ тушмасин. У умид билан янги ҳаётга қадам ташлаётган икки умидли ёшнинг ширин онларики, оилага дарз кетиши — турмуш деб аталган лаззат кўрғонидан бехосдан кўчадиган бир ғишт, ана шу даврдаги озгина эҳтиётсизлик, бефаросатлик, калтабинлик оқибатидир.

Шу боис никоҳ — муқаддас, илоҳий қудрат рамзи. Уни чин дилдан эъзозламасанг, қадрига етмасанг, ардоқлаб асрамасанг бир умр азобда яшайсан. Никоҳ — ўйинчоқ эмас, унда Оллоҳ ваҳий этган оятлар бор.

Ҳаётга боқ. Ҳаёт мисли бир пайкал. Шу пайкалнинг энг гўзал, энг дилкушо они — унинг гуллаган, гулга бурканган чоғи. Никоҳ ҳам Инсон умрининг энг гуллаган фасли. Ҳаёт, яшаш шу ондан бошланади. Оила, уй-тиркичиликнинг илк асоси, илдизи ана шу никоҳ онингдан бошланади. Никоҳ туфайли умр йўлдошини, ҳаёт меваси — ўғил-қизини, унинг волидасини топасан, болдан ширин онлар ҳадя этувчи гўзал соҳиба билан ёстиққа бош қўясан.

Ана шу пари-пайкарга доғ тушса, ана шу метин оилага дарз кетса — бу дунёда сен учун ундан ортиқ бахтсизлик йўқдир. Ҳадисда дейилганки: «Ибн Умар: Одамлар Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларида бахтсизлик хусусида сўзлашди. Шунда ул зот: «Агар бирор нарсада бахтсизлик бўлса, у ҳам хотиндан, хонадонда ва отдадур» — дедилар!».

Ҳеч бир бандасини Оллоҳ бу бахтсизлик балосига дучор этмасин. Ҳар бир бандаи мўмин севгани билан севилиб яшасин, қўшгани билан қўша қарисин. Севилиб яшаш, қўша қариш учун эса ота-боболаримиз бизларга мерос қилиб қолдирган хазина — никоҳ урф-одатларимизни яхши билиш, унга амал қилиш орқалигина эришиш мумкин.

Илоҳо, ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, қўша қаринг. Омин.

27. Мусулмончилик урф-одатига кўра ҳар бир отаона вояга етган ўғлини уйлантиради, бўй етган қизини турмушга чиқаради. Ўғлини уйлантириш учун отаона келин танлайди. Танланган келинини ўғлига айтиб унинг розилигини олади. Ёки ўғли бирор қизни севиб қолган бўлса, унинг розилиги билан ўша хонадонга совчи юборилади.

28. Совчилик икки хонадоннинг обрў-иззати тўлиқ сақланган ҳолда амалга оширилади. Бизда ҳеч қачон совчи бориб, ҳали иш тўла пишмаган хонадонга иккинчи бир хонадон совчи қўймайди. Ҳатто бу ҳақда Ҳадисда ҳам дейилганки: «Гумондан сақланинглар! Зеро, у ёлғон гапдан иборатдир. Бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Мол дунё учун мусобақа қилманглар. Ўрталарингизда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Тангрининг биродар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига то улар ўз аро битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар» (199)

29. Совчи ҳар қанча сўзамол, гапдон бўлишига қарамай биздаги андиша, одамийлик ундан юз чандон устун туради. Совчи гапдонликка йиллаб тайёрланади, гапни шундай усталик, суҳандонлик билан бошлайдики, уй эгасининг дилига, нозик табиатига озор етказишдан қўрқиб, «Қариндош бўлгани келдик» ёки баъзи жойда «Сизнинг боғда бир гул очилибди, шуни сўраб келдик» дейишади.

Уй эгалари дарров дастурхон ёзиб нон-чой қўяди.

Ҳеч бир хонадон соҳиби ва соҳибаси қизини сўраб келган совчига ноўрин гапирмайди. Одатда совчи келавериб дарвоза туруми ейилади. Баъзи жойда «Совчи келавериб бир икки ковуш йиртмаса беҳисоб», деб ҳазиллашади.

Хонадон эгаси отадир. Лекин ота келган совчига хотинининг маслаҳатисиз юзи бўлмайди. Баъзи ўжар ота «Уйнинг эгаси мен, қизнинг отаси мен, менда ихтиёр деб» хотинидан сўрамай розилик беради. Бу одатдан, ҳурматдан эмас. Шунинг учун ҳам ҳадисда ёзганларки: «Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналар билан маслаҳатлашинглар».

Қудратилла ҲАЙДАРОВ
(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Фарруҳ ҲАМРОЕВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 16.732 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0897

Босишга топириш вакти — 21.00
Топширилди — 0.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- олий математика ва информатика кафедраси, доцент — 1
- халқаро менеджмент ва маркетинг кафедраси, доцент — 1
- халқаро муносабатлар кафедраси, доцент — 1
- ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси, доцент — 1
- жисмоний тарбия кафедраси, катта ўқитувчи — 2
- Узоқ шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, катта ўқитувчи — 1
- инглиз тили № 1 кафедраси, катта ўқитувчи — 1
- ўзбек тили кафедраси, катта ўқитувчи — 1
- Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент — 1
- педагогика ва ўқитиш методикаси кафедраси, катта ўқитувчи — 1

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:
- Ректор номига ариза;
- Шахсий варақа;
- Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумоти ҳақида, илмий даражаси ҳақида, илмий унвони ҳақида;
- Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: Тошкент ш. 700047, Лоҳутий кўчаси, 25-уй. Кадрлар бўлими. Тел.: 133-44-36

«Ўзсувқурилиш» концернига қарашли «Ўзирмаш» ишлаб чиқариш корхоналари

Металл маҳсулотлари, ёғоч арралаш дастгоҳлари, сув иситиш қозони, насослар тайёрлайди. Концеррнинг ер суриш машиналарини таъмирловчи корхоналари барча вилоятларда самарали ишламоқда ва буюртмалар адо этади.

Концерн хорижий сармоядорларни корхонамизда қўшма корхоналар ташкил этишга ва 2000 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятларининг 50 фоиз акциясини сотиб олишга таклиф қилади.

Сизларнинг таклифингизни кутамиз.

Манзил: Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14-уй.
Тел.: 78-48-45, Факс: 78-59-79

Диққат:
«Кўпкари — улоқ»



Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти Навоий туманининг маркази Исломободда бўлиб ўтади. Ўрта Осиё ва бошқа хорижий давлатлардан улоқчи чавандозлар қатнашадиган ушбу тадбир янги ишлаб чиқилган халқаро улоқ мусобақаси қоидаларига асосан ўтказилади.

Армонда қолмай десангиз, томошага шошилинг!

Ташкилий қўмита

Тошкент шаҳридаги 63-сонли ГПТУ томонидан Қодиров Абдураимга берилган 206692 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тимур Аъзамович Алимовга волидаи муҳтарамаси

РАҲБАРХОН ая

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти филология фанлари номзоди, докторант Жаббор Эшонқуловга отаси

ЭШОҚУЛОВ Солининг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.